

87.7

МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАФКУРА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
МАРКАЗИ

# ЎФАВИМТА МАКТУБАЛАР



Книга должна быть  
возвращена не позже  
указанного здесь срока

Количество предыдущих  
выдан \_\_\_\_\_

3

87.4  
ЖАҒА МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАФКУРА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

*С.Кочуров*

Хусан КАРВОНИ

# ЎЎЛИМГА МАКТУБЛАР

CHIRCHIQ  
ILTIMOIY-IQTISODIYOT  
KOLLENI  
AXBOROT-RESURS  
MARKAZI 6316

«Сано-стандартлар ва метрология» АЖ  
Тошкент – 2013  
1-FILIALI

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIV VA O'RTA MAXSUS TAILIM VAZIRLIGI  
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ  
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI  
AXBOROT RESURS MARKAZI  
1-FILIALI

0969

6316

УЎК: 37.018.1

КБК: 87.7

К24

## БОБОМ, ОТАМ, МЕН ВА СЕН

### Сўзбоши

Ўлимнинг саволлари жуда кўп. Сўраганига жавоб берман. Сўрамаганимни тушунириб беришга вақтим кам. Эрталаб шига кетаман, оқшом қайтаман.

Тунов кунни бозорга кетётман, Сирғали туманидаги 322-мактаб ёнидан ўтаётганимизда сўраб қолди:

— Дада, анавунга қаранг-да, «Буюк ва муқаддасан, мустаккил Ватан!». Нега ҳамма жойда шу ёзувни ичиб қўйишган, тегисизорда ҳам кўрсатишяпти?

Бозорга етганимизча Ўзбекистонимиз Олпоҳнинг назари тушган буюк давлатчилигини, муқаддас заминимиз не-не аломатларга бешик бўлганини, ҳозир юртимизда тинчлик-осойишталик ҳукм сўраётганини, бу буюк неъматчилигини, давлатимиз шигари 130 йилдан ортққ муқаддас давлатимизда мустамлака қарам бўлганимизга 1991 йида мустаккилликни қўйга қўришгани, ўша давлатимизда халқимиз ўз олдига озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт бериб элишидек улкан мақсад қўйганимизга бузун ўша мақсадлар маълум даражада амалга оширилгани, бу йил истиқлолга эришганимизга 21 йил бўлиши, ўтган йиллар давлатимизда мамлакатимизда улкан бунёдкорликлар амалга оширилгани, бу эзгу ишлар давлатимизда, ҳар бир кишининг хондонини, маҳалласи, Ватани ободлиги, турмуши тўқиллиги учун завоқ-шағқ билан меҳнат қилишига барча шарт-шароитлар яратилганини ҳақида сўзлаб бордим. У ўз ёши даражасида тушунгандек бўйди. Аммо ўзининг кўнглини тўйлади. Шу саволни қўлимга қалам олиб, ўлимга Мустаккиллик қадрини, ўлимнинг ҳаётимиздаги, у танйидидаги оддий кишилар, ҳамқишлоқларим ҳаётимиздаги ўзгаришлар, баъзи воқеалар, нисолда тушунириб беришга ҳаракат қилдим.

Муаллиф:  
**Хусан Карвонли**

Масъул муҳаррир:  
**Ш.Тўраев**

«Ўлимга мактублар» тўлими ёш авлодга Ватан мустаккиллиги қадрини халқона тилида тушунириши билан аҳамиятди. Ижодкорнинг халқона равои тили, ҳикоя қилиши услуби ўқувчининг жасаб этади. Муаллиф тилига олган воқеа-ҳодисаларга ўхшаш ҳолатлар ҳар биримизнинг бошимиздан ўтган бўлиши мумкин. Уларга кўп эътибор ҳам беравермаймиз. Аммо тўлимида уларни бузунги кўнглимиз билан боғлаб, муайян ҳулосалар чиқаришган.

Шу маънода ушбу китобча билан маънавият тарғи-ботчилири, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчи ва ўқувчилар учун фойдали бўлиши мумкин.

**Карвонли, Хусан.**

**Ўлимга мактублар/ Масъул муҳаррир Ш.Тўраев**  
— Тошкент, «Сано-стандарт» нашриёти, 2013, — 48 бет.

УЎК: 37.018.1

КБК: 87.7

ISBN 978-9943-4106-9-5

© «Сано-стандарт» нашриёти, 2013.

## КИРК ЁШЛИ АБИТУРИЕНТ

1991 йили Ҳасан амакинг икковимиз Тошкентда ўқишга хужжат топширамиз деганимизда, деярли бутун кишлок, юмшоқ кириб айтганда, ўқишга киришимизга шубҳа билан қараганди. Чунки отамнинг кўли қалта, уйма-уч рўзгор тебратардиқ. Одамлар онгига фақат пули кўпларнинг боалари институтларда ўқийди, деган қараш сингиб кетган. Ростдан ҳам шундай эди-да. Биздан олдин мактабни тугатиб, олий ўқув юртида ўқиётганларнинг аксарияти ўқишга фалон сўм бериб киргани бутун кишлоққа маълум эди.

Ана, Олмос боёбоннинг катта ўғли, Шавкат амакинг математикадан зўр ўқиган. Ҳозир ҳам ўтиллариға мисолу масалаларни бир зумда ечиб берад, журналларда бериладиган тенгламао масалаларни ҳам ечиб ташлар экан. 1985 йили у Тошкент халқ хўжалиги институтини (ҳозирги иқтисодиёт университети)га хужжат топширган. Биринчи имтиҳон – ёзма ишдан аъло баҳо олган. Иккинчи – оғзаки имтиҳондан йикитилган (ўша пайтлари оғзаки имтиҳон «рўйхат»ларда йўқ талабдорларни «тўқиш»нинг энг қулай усули эди).

Иброҳим боёбоннинг ўғли Тошболта амакинг ҳам мактабда фақат аъло баҳога ўқиган. 1988 йили у Тошкент давлат университети, яъни ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг филология факультетига имтиҳон топширган. Мандатда «йикитилган». Тўрабек амакинг ҳам мактабда аъло баҳоларга ўқиган эди. Ҳатто бирон институтга хужжат топширмади ҳам, ҳалигача бундан афсусланади. Эшназар ака бўлса, 1992 йили, олий ўқув юртиларига кириш имтиҳонлари тест синови асосида амалга оширилиши бошланганда, 40 ёшида илк бор Самарқанд давлат университетиға хужжат топшириб, имтиҳонда қатнашди. У гарчи ўқишга қиролмаган бўлса-да, бундан афсусланмайди. Бошқаларни ҳам ўқишга киришга, Истиклол берган имкониятдан фойдаланишга даъват этиб қелади ҳалигача...

Хуллас, 1991 йили мен ўқишга кирганимда бутун кишлок ҳайратланди. 1992 йили Ҳасан амакинг тестдан ўқишга киргани кишлоғимиздаги биринчи талаба бўлди. Одамларнинг фикри

ўзгарди. Абитуриентлар сони, талабалар сони йилдан-йилга ортди бормоқда кишлоғимизда.

Мана, аялнинг синфдоши Шерқўзи амакинг Самарқанд давлат кишлоқ хўжалиги институтини битириб, халқаро грант соҳиб сифатида Германияда таҳсил олиб келди. Ҳозир нуфузли жойда ишламоқда. Кўшимиз Тошпўлат раиснинг ўғли Одил амакинг Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси (ҳозирги Давлат бошқаруви академияси)да ўқиб, Германияда амалиёт ўтади. Малайзия, Сингапур каби давлатларда хизмат сафариди бўлиб, тажриба олашиб келган. Ҳозир Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасида масъул лавозимда хизмат қилмоқда. Ёки, мана, Гайрат амакингни олайлик, гайрат қилиб 29 ёшида биология фанлари номзодлиги диссертациясини ёқлади. Ҳозир Тошкент вилоят давлат педагогика институтиди ишлаш билан бирга, энг муҳим ҳаётий фанлардан бири – биологиянинг микробиология соҳаси бўйича докторлик диссертацияси устида иш олиб бормоқда. Ёки Ҳотам, тоғанинг ўғли Жамшид амакингни қара, мактабда ҳам, институтда ҳам яхши ўқиган. 34 яшар йигит бир неча йилдан буён Республика «Ипотекабанк» Самарқанд вилоят филиали бошлиғи. Мана, ўзининг амакиларинг Шерали ҳам, Эмурод ҳам, ўз билими, ўз қучи билан ўқиб, бири “Машъағ” радиоқаналида, бири “Туркистон” газетасида меҳнат қилишмоқда. Хуллас, улар ҳам мустақил Ватанимиз раънақи учун, халқимиз фаровонлиғи учун ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Ҳа, айтганча, Фаҳриддин тоғанинг унутасизимиз-ку! Ўзбекистон Куролли Қучларида харбий хизматни ўтаб, тавсиянома билан келди. Ҳозир Низомий номидаги ТДПУ тарих факультетини аъло баҳоларга битириб, ўз салоҳиятини янада ошириш мақсадида магистратурада ўқишга тайёрларлик қўймоқда.

Эсласам, ана кўп мисоллар топаман. Булар биргина шу қичкинагина кишлоғимиздан олинган мисоллар. Энди бундай кишлоқ, маҳаллалар мамлакатимизда, эх-хе, яна қанча!

Ўтган кунлар ва бугунги кунимизни қиёслаш учун мана бу ҳикоятга қулоқ тут:

## БОБОМ

Наймандан Бошқуджқа тўйга борганларга Абдураҳмон повонникида кўник беришди. Ярим тунгача давом этган турунгнинг асосий мавзуси эртанги кўпқарида ким кўпрок соғин олиши хақида бўлди. Чавандоз повонлар ва отларнинг имкониятлари тахмину муҳокама қилинди. Нишон, Абдўй, Тожи, Турсув, Абдураҳул, Абдурайим, Орол ва Кенжа Найманнинг оро учун майдонга тушадиган Шодиёр повонга омад тилашди.

Турунг қизигандан қизиб, гаштак турунглари тусини олди. Шунда Абдўйми, Нишонми, Турсувми, Тожи — кимдир сўради: — Кенжа, мана, сен — биргалсан, биласан. Айт-чи, шу коммунизм, коммунизм дейди, қачон бўлади ўзи бу коммунизм? Кенжа биргад бирон беш-олти лаҳза тин олди-да, шининг осилган чирокка қараб, деди:

— Коммунизмма! Шу... 80-йилларга бориб бўлса керак...

Бу ўтган асрнинг 50-йилларида бўлган гап.

Мен бобомни кўрмаганман (Нишон Аҳмад ўғли 1900 йили туғилиб, 1972 йили вафот этган). Аммо отамнинг хикоятлари орқали уни тасаввур қиламан (бобом суратга тушмаган, паспортин бўлмаган, спиртли ичимлик туғул, хатто лимонад ҳам ичмаган). Отамнинг айтишича, Нишон бобо хокисор, содда, йймонли инсон бўлган. Бўш вақтларида дўмбираси кўлидан тушмаган. Унинг дўмбира чертиб айтганларидан мана бу тўрт қаторигина отам орқали бизга маълум:

*Макон тулган сени одамзод бўлди.*

*Ютарман дегани бари мот бўйди.*

*Ўтарсан дунё, дунё ўтарсан.*

*Сенга келиб қимнинг кўнгли шод бўйди?..*

Қачон, қаерда туғилиш ва ўлиш инсон иродасидан ташқаридиги иш. Аммо туғилиш ва ўлиш орасидаги ҳаёт инсон ихтиёри ила тутилган йўл ва амаллар билан кечади. Ўзбекистон деб аталган Ватанда туғилиб, умр кечирган Нишон бобо ҳаётининг асосий қисмини СССР деб номланмиш сохта асосларга қурилган тузумда яшаб ўтди. Коммунизм бобомлар авлодининг саробдек бир орузига айланган. Юртимизда у каби ўйлаб, орзу қилиб ўтганлар, эҳ-ҳе, қанча эди?..

Нишон бобонинг етти фарзандидан биттаси ўқиб олий таълимни олган бўлса, қирқдан зиёд навараларидан ўн нафари оғир ва ўрта махсус таълим олиб, хозирги кунда Тошкент, Самарканд, Анрен, Жума ва Нуробод шаҳарларида яшаб, меҳнат қилишмоқда. Яна бир нечаси Тошкент ва Самарканд шаҳрида таълим олмоқда. Уларнинг максадлари аниқ, ҳаётий ва асосли.

## ОТАМ

1972 йили кишигимизга электр токи келгач, отам биринчи бўлиб телевизор сотиб олган экан. Кўни-кўшилар кечқурунлари уйимизга тўлиб кетарди, деб эсларди онам.

Ҳини телевизордан бошлашдан мурод болалик давримдан кеч хотирамдан кўтарилмай келётган бир воқеани эслашдир.

Хар гап кечки соат 20дан 30 дақиқа ўтганда «Бир»да (Москва ОЖнинг канали шундай деб аталарди халқ тилида, Тошкент эса — «Икки») «Время» кўрсатувини бошлангач, албатта, отам уни томоша қилар, тушунмасак, қизикмасак-да, биз ҳам қариб ўтирардик. Кўрсатув охирида об-хаво маълумоти берилар, шундан қисқача ўлкасига келганда Қасноярск шаҳридаги Ленин дарёси устига қурилган кўприк тасвири кўрсатилар, хар гап уни кўрганда отам чуқур хўрсиниб кўярди...

Отам — Маҳмарайим Нишон ўғли 1961-1964 йиллари Россиянинг Қасноярск шаҳрида, қурилиш батальонинда харбий қизматини ўтаган. Ўзбекистондек тўрт фасли бутун, куёшли ўлкадан борган алддек йигит Сибирь қаҳратонига ўлкасини совуққа олдириб қўйган. Кейин жароҳлик йўли билан учдан бир қисмини кесиб олишган. Отам умрининг охиригача шу дард асорати билан курашиб яшарди...

Бутун Ўзбекистоннинг ўз харбий кўшинлари бор. Ўзбек йигитлари ўз Ватани сарҳадларини кўриклаш учун хизмат қилмоқдалар.

Жаҳонга кўз-кўзласа арзийдиган ёшларимиз, фарзандларимиз қалбида турур уйғотадиган жаннатмисол тўшаларимиз, муқаддас қадимжо ва зийратхоналаримиз кўп.

Ўзбекистон телевидениеси хар кунни «Ватан жавоҳирлари», «Ватан манзаралари» лавҳаларини намойиш этади. Бу миллат тафаккуридаги ўзгаришларга, миллий маффурани шакллантириш-

та хизмат қилаётгани шубҳасиз. Хуллас, юртимиз тинчлиги ҳам ишончли тарзда таъминланмоқда, деб кўржамай айта оламиз. Уйда беҳавотир ухлашимизнинг ўзи катта бойлигимиздир, билсанг.

## МЕН

Қишлоққа бир борганимизда раҳматли отам айтноб қолганди:

— Бир кунни ярим кечаси йнги овозидан уйғониб кетдим. Уканглар нариги уйда футбол кўришгаётганди. Карасам Элмурод. Биз ётган уйга кириб келиб, ўпкаси тўлиб йнглаштин «Ҳа, нима бўлди?» десам, «Ўзбекистон ютказди» дейди. «Кимга?». «Японияга, тўртун нолга ютказди». «Ҳа, энди бу ўйинда, бирда ютказса, кейинги гал, албатта, ютади» деб овуттирдим.

Бу 1996 йили гап.

Ўн ёшли боланинг Ватан шайни учун тўжкан кўз ёшлари эди бу. Мурғак қалбда илдиз отган Ватан севгиси изхори — сўзсиз, сассиз изхор эди бу...

1991 йилнинг 1 сентябри. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг (ҳозир педагогика университет) ўзбек филологияси факультетига ўқишга кирган 1-курс талабаларини катта залга тўлашди. Факультет декани профессор Низомиддин Махмудов ёшларни талаба бўлганликлари ҳамда Ватан Мустақиллиги билан табриқлади.

Биз — мактабни энди тугатиб келган 200 нафарта яқин ёшлар ўзбекистонимиз истиқлолга эришгач, унинг илк бор олин ўқув юртига ўқишга кирган дастлабки талабалари — Мустақиллик ниҳоллари эканлигини ўша пайтда тўла хис қилмаганми. Йиллар ўтгани сари истиқлолга шукроналик, Ватан севгиси қалбларимизни тўлдирди.

## ЭЪТИБОР

Ўтган йили янги ўқув йили бошида опанг Гулбадан тўрт беш кун мактабдан ҳорғин ҳолда келди. Уйда ҳам парилон, Ойнинг ҳам хайрон, мен ҳам. Устозни билан таппашмоқчи ҳам бўлдим (ўқитувчимизни биз «малим» (муаллим) дердик,

Мустақиллик болалари «устоз» дейди). Йўқ, бир кунни у димоғи чор бўлиб келди. Аянг «Ҳа, бутун Куёш қаердан чиқди?» деса, онинг «бутун устоз менга доска арттирди!» дегти...

Бизнинг давримиз болалари доска артишини ўзига тўғки ор биларди. Бутун бу олдий юмуш ҳам бола учун устоз эътибори юксатсан, шарафли ишга айланган.

Эътибор. Унинг қудратини қара. Шу қундан опанг дарсдорини ҳам, бошқа юмушларни ҳам қулиб-қулиб, завқланиб бажара бошладди.

Ўзинг-чи, ўзинг, шу йил март ойида сен тутилган йили жаҳон чемпионни бўлган Рустам Қосимжонов ва ҳозирги жаҳон чемпиони Вишванатан Ананд ўртасидаги ўйинни телевизорда бевосита томоша қилганимиздан сўнг, ҳар кунни ишдан келсам, тўрт партия шахмат ўйнамасак, ухлашга қўймайсан. Шахмат доналарини теришини ва юришини уч ёшингда ўргатганман. Шу пайтга довур мажбурлаб ўйнатардим. Энди эса мени ютай-ютай денсан... Сени, албатта, шахмат тўғрисида олиб бораман.

Ўтган асрнинг 80-йилларида биз ўқитувчимиз билан «Салом, малим!» деб саломлашардик. Сиз, Мустақиллик фарандлари эса «Ассалому алайкум, устоз!» дейсизлар.

У пайтлари дунёқараш бошқача, бир қадар чекланган эди. Бир муаллимимиз бизга ярим соат «Худо йўқ» деб маъруза ўқиб, шонкин солганимизда «Вой, Худо, жим бўласизларми, йўқми?» деганида шарақлаб қулганимизни, муаллим эса хижолат бўлиб қолганини эслайман... Ҳозир эса, асосий бунёдкор ғояларимиздан бири бу — диний бағрикенглик (толерантликдир). Ким қайси динни хоҳласа, шунга сўнгинсин, хоҳламаса, бирор динга сўнгинмасин. Бирор бир нима демайди. Чунки Конституцияимизнинг 31-моддасида виждон эркинлиги қафолатланган-да.

Ёшларга эътибор, уларнинг йилг этган истеъдодини рўёбга чиқариш, қўллаб-қувватлаш учун имконият ва шароитлар етарли эмасди. Ҳозир бўлса «Янги авлод», «Келажақ овози», «Ниҳол», Зулфия номидаги давлат мукофоти ва яна бошқа қўллаб танлов, кўрик, фестиваллар борки, улар юртимизнинг барча хулудларидан истеъдодларни излаб топиш, рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш, истеъдодларини тўғри йўналтиришга хизмат қилмоқда.

Ҳасан амакин<sup>1</sup> икковимиз 1983 йил май ойидан бошлаб, 9(1) ёшимиздан пахтада ишлай бошлаганмиз. Баҳорда яғна, ёлди ўток, кузда терим, то қор тушгунча. Мактабда дарсларни қолдирганимиз ҳеч кимни қизиқтирмасди. Раҳбарларни пахта планини тўлдиришгина қизиқтирарди, ҳолос. Бир неча ойлаб қолиб кетгани дарслар ўрнини тўлдириш учун қишқи таътилда ҳам ўқирдик...

Ҳозир-чи, қишлоғимизда энг чиройли бино қайси? Ҳа, багли! Мактаб биноси. 2004 йили, сен дунёга келган йилинг Юртбошимиз ташаббуси билан Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури қабул қилинди. Отанг, онанг ўқиган шу мактабимиз ҳам ушбу дастурга мувофиқ янгиладан қурилди. Қишлоқдаги ака-опаларинг, тенгдошларинг бу ерда айраб-айраб ўқишмоқда. Демак, у дастур ҳам обод Ватан қуришга, ҳам қомил инсонларни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Ҳозир ёшларга эътибор ниҳоятда қучли, имкониятлар қўл. Бунинг қадрига ет, ўғлим!

## ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛГАН

Биласанми, ота-онам ўн икки фарзанд қўрган. Улардан уч нафари чақалоқлигида нобуд бўлган...

Оиламизда фақат энг кенжамиз – Элмурод амакин Самарқанд шаҳрида, тутруқхонада дунёга келган. Қолганлар қаерда тутилган, дейсанми? Албатта, уйимизда-да! Қуласан-и, қуласан. У пайтлар шунақа, аёллар ва болаларга, умуман, барча аҳолига тиббий хизмат қўрсатиш хозиргидек эмас эди. Ўзим, масалан, биринчи марта 1989 йили, 15 ёшимда туман марказига бориб, харбий комиссарликда тиббий қўриқдан ўтганман.

Санталат опани танийсанми, ўрговулда туради. Шу аёл қайсилир боласини пахта теримидан қайтаётганда “тележка” устида туккан. Ҳушидан кетиб қолган, баъз ҳаётини саклаб қолишган. Болаларни, айниқса, қизларни дўхтирга олиб бориб, текширтириш ҳар хил миш-мишларга сабаб бўларди. Оқибатда кўпчилик ўзида бирон дард борлигини (иссик жон) оғли қўриқдан сўнгганина, анча ўтказиб юбориб, биларди...

Ҳозир, Ҳудота шукр, давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан бу соҳага ҳам эътибор ниҳоятда қучли. Одамлар онги ҳам

ўзларини. Тиббий қўриқдан тез-тез ўтиб туриш энг муҳим ҳаётини янгиликка айланиб бормоқда.

## «МЕНИ МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИГА ОЛИБ БОРИНГЛАР»

Толмас бобони танийсан, Махмарайим бобонгнинг жўраси, йактитул амаангнинг қайноғаси. Неча йилдики, хаста, бировнинг кўмагисиз юромайди. Ҳар сафар қишлоққа борганимизда, турунлашганимизда «Ҳудо хоҳласа, юриб кетсам, мени би-и-р Тошкентга, Мустақиллик майдонига олиб борасизлар» дейди...

Олти йил олдин, сен ҳали қичкина эдинг, янги уй олганимизда, ҳовли тўйимизга қишлоқдан қариндошлар келишди. Келиб ўтириб, сўрашишганимиздан сўнг Санобар амаам Элмурод амакинга амр қилди: «Ойнажон, мени Мустақиллик майдонига олиб бори! Неча йиллардан бери етолмай юрувдим». 30-40 чоғли одам «Эртан-мертан борарсан, биз ҳам борамиз» деб қай-ҳайлашга қарамай, амаам Мустақиллик майдонига зиёратга кетди...

Салим бўлани<sup>1</sup> танийсанми? Бўлмаса, қишлоққа борганимизда таништираман. Ақаси Олим бўла фермер хўжалиги раиси. Шу ерда ишлайди. Салим бўла ўзи ўқимаган. Лекин болаларини яқини олий ўқув юрғларида ўқитмоқчи. Ўт ўришга бориб келишда ўтиларини отига мингаштириб, ўзбекистон Давлат махфиясини айттириб кетаркан, ўзи ҳам айтаркан. Болаларим ҳаммаси мактабга чиқмасдан Малҳияни ёллаб олган, хозир ялдиёғетга, санъатга қизиқиши қучли, дейди.

Қўрдингми, қишлоқдошларим ҳақида гапирётганимизда бирини амаам ёки тоғам, яна бирини амакин ёки бўлам десаман. Ростдан ҳам, қичкина қишлоғимизда ҳамма бир-бирига қариндош, қуд-анда. Болалик давримизда Дўнговул, Ўрговул, Пасовул болалари билан тўйларда ёки мактабда ёқалашардик. Пасовулнинг ўзи ҳам сойдан нари – сойдан берига ажратиларди. Болалар ҳам, қатгалар ҳам бир-бирига ёвқараш қиларди. Ҳозир ундай эмас. Замон ўзгарди, шароит, муҳит ўзгарди. Одамлар дунё-

<sup>1</sup> Шевада – ота-сингилларнинг болаларига “бўла” дейишган. Ўзбек адабий тилида – “холовачча”.

караши, онги ўзгарди. Ҳозир кишлоғимиз жипслашиб, бир тану бир жон бўлиб борапти.

Биласанми, одам вужудининг барча аъзолари ўз вазифасини беҳато бажариб турса, доимий ҳаракатда бўлса, кишининг димоғи чоғ, руҳи тетик, тани соғлом ва бақувват бўлади. Кишлоғимизни ҳам шундай бир вужуд дейдиган бўлсак, одамлар бир-бирига кераклигини, бир-бирисиз яшай олмаслигини тушуниб етди бутун. Энди буни бутун мамлакатимиз миқёсда оладиган бўлсак, биз бутун ана шундай соғлом муҳитга, туғми шарт-шароитларга эришдик. Бир вужуднинг ҳамма аъзолари барча соҳалар факат ва факат тараққиётда. Ватандошларимиз бир тану бир жон бўлиб, озод ва обод Ватан учун меҳнат қилишмоқда, курашишмоқда. Бу бунёдкорликларнинг бошида эл сенин бир инсон — муҳтарам Юртбошимиз турибди.

## ВАТАН УЧУН ЯШАЙЛИК!

Яқинда Юнусободдаги «Нуронийлар сихаттоҳи»га нафқадати ўқитувчимиз, Халқ таълими аълочиси Сувонкул Нормуродовни кўргани бордик. Устоз билан бир ярим соатча гурунлашиб ўтирдик. Гап Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги, юртимизда амалга оширилаётган буюк ўзгаришлар ҳақида кетганда, устоз шундай деди:

— Биз баъзан тўрт одамнинг бошини қовуштиролмай, хуноб бўламиз. Президентимизга раҳмат, 30 миллионга яқин одамнинг бошини қовуштириб, улкан ишларга бош-кош бўлмоқда. Шунча одамнинг, ўтган улуғ ажлодларимизнинг руҳи-хотираларининг ҳам химоячиси Президентимиз. Мана, унинг буюк бобомни Мирзо Улутбек ҳақида айтган гапларини эсланг.

Устоз Президентимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарига келтирган қуйидаги воқеага ишора қилди: «...1996 йили Парижда ЮНЕСКОнинг ўша пайтдаги Бош қотиби Федерико Майор жаноблари билан бўлган бир суҳбат ёдига тушди. Ўшанда жаноб Майор Улутбекнинг илмий меросини юксак баҳолаб, унинг юлдузлар ҳаракатига оид хисоб-китоблари бутунги кунда компьютер ёрдамида текшириб кўрилганда атин бир неча дақиқага фарқ қилиши аниқланди, деган гапни айтиб қолди. Шунда мен унга жавобан, йўқ, жаноб Федерико Майор,

Улутбек ҳато қилган бўлиши мумкин эмас, балки компьютерлар ҳато қилган бўлиши мумкин, деган эдим. Гарчи бу гап дўстона дурф тариксида айтилган бўлса-да, ўйлайманки, унинг замирида чўқур ҳақиқат мужжасам».

70 ёшни қоралаган устозимиз ўтган кунлар билан бутунги динимини киёслар экан, шукр қилишимиз лозимлигини, Мустақиллик берган имкониятлардан фойдаланиб, Ватан учун ёниб яшашимиз, меҳнат қилишимиз шартлигини бот-бот талқинлади. Фарзандларимизни ҳам шу руҳда тарбиялашимиз зарурлигини уқтирди.

Ҳеим! Кеча гоҳ «Миржасол Қосимов бўламан!», гоҳ «Абдулла Тангриев бўламан» дердинг. Бугун эса «Руслам Қосимжонов бўламан!» дегансан. Бу мени қувонтиради. Етти ёшимда ўзим нималарни орзу қилганимни эслаб, завқланаман. Аммо сенинг ота-боболаринг номини улуғ тутиб, Ватанимиз учун улардан-да кўпроқ хизмат қилишингни, юртимиз шавъини кўмон қиладиган, унинг довуғини оламга ёйдиган етук инсон, шакс бўлишингни истайман. Бунинг учун сенда имконият етарли. Ўзини сен — Мустақиллик фарзандисан!

## МУСТАКИЛ ЮРТ БАЙРАМЛАРИ

Ўғлим! Туғилган кунингни яхши кўрасан-а. Шу кунни мен, ойинг, амакиларинг, янгаларинг – ҳаммамиз сенга соғва берамиз. Уйимизда шу кунни нима бўлади? Ҳа, бағли, байрам бўлади. Бу – оилавий байрамимиз. Оилада ҳар биримизнинг туғилган кунини байрамдек нишонлаймиз. Ҳамма хурсанд бўлади, тўғрими?

Энди бутун мамлакатимиз микёсидати байрамларни эсла. Уларнинг ҳар бирининг ўзига хос тарихи бор, ҳар бири ўзига хос мазмун-моҳиятга эга, мамлакатимиз ҳаётида ҳар бирининг ўзига хос ўрни мавжуд. Айниқса, Мустақиллик йиллари байрамларимизнинг мазмун-моҳияти янада бойиб, маънавий, маърифий, ижтимоий аҳамияти ортиб бормоқда.

Демак, бу сафар сен билан Мустақиллик байрамлари ҳақида гурунглашамиз.

## ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМ

Инсон учун энг катта байрам – Озодлик! Агар одамнинг эрки ўзида бўлмаса, қолган ҳаммаси беқор.

Бунга бутун бир халқ, мамлакат мисолида оладиган бўлсак, Эрк, Истиклол, Хуррият қадри яна-да улкан микёсда кўринади. Сенга биттагина мисол келтираман.

Махсума опа Тўлгановани танийсан. У ҳақдати «Доймо ўнг кўлимда бешик бўлган...» деб номланган мақолам 2008 йили газетада чиккан. Махсума хожи она – ўзбек аёлларидан биринчи ва ҳозир ҳам ягона физика-математика фанлари доктори, профессор. Кўрдингми, «физика-математика фанлари доктори», «профессор» – қандай жарангдор. Аммо шу даражага эришувчи Махсума опа қандай қийинчиликларни бошдан кечирганини сениу мендан кўра ўрта ва катта авлод вакиллари теранроқ хис қилишлари табиий...

Гап шундаки, Махсума опа 1963 йили, 29 ёшида фан номзодлиги диссертациясини ёқлаган. Бу, айниқса, аёл кишини учун катта муваффақият. 1972 йили докторлик диссертацияси ҳам тайёр бўлган. Аммо...

Аммо соёик СССР Фанлар академиясининг ўша пайтдаги раҳбарлари та бир ўзбек аёлининг бундай жасорати (математиканинг энг мураккаб тармоғи – сонлар назариясида илмий кашфиёт қилиш, бунинг устига тўртта ёш боласи тарбияси, парваршишдан ортиб), алобатта, ёқаган.

Диссертацияни тасдиқлашни турли-туман баҳоналар билан, баъзан ҳеч қандай сабабсиз, 14(1) йил кечиктиришган. Бу вақт давомида олина соёик иттифокнинг деярли барча илмий марказларида илмий маърузалар ўқиб, докторлик диссертациясини тасдиқлаштиб олгандан сўнггина, 1986 йили ёқлаш учун руҳсат беришган...

Докторлик диссертациясини тайёрлашга кетган 9 йил ва уни ёқлашга сарфланган 14 йил, жами 23 йил. Бу – шунчаки олддн арифметика эмас. Бу – мустабид тузумнинг мантикка, инсонийликка, эид, зўравонликка, зулмга асосланган мустабид тузум оқибати...

Бу – бир миллатнинг бошқа миллат(лар) устидан кулиш, ҳукмронлик қилиш учун ўйлаб топишган «лабиринт» ичида машаққатлар билан ўтказилган вақт...

Мустақилликнинг қадрини Махсума опалардан сўра, ингиллардан, швиру ёзувчилардан сўра. Бу байрам – Озодлик байрами, Ватан озодлиги ҳар нарсадан улғу. Шу сабаб Мустақиллик байрамимизни – Энг улғу, энг азиз байрам, деймиз!

## ЖАҲОНДА ЯГОНА БАЙРАМ

Эсимда, ўқувчилик пайтларим октябр ойининг биринчи икшанбаси – ўқитувчилар кунни, дейиларди. Кўпинча муаллиму мураббийлар бу кунни ўқувчилари билан пахта даласида кутиб олишарди...

Мантиқсизлиқни қара – ўзи байрам бўлса-ю, аниқ бир белгиланган кунни бўлмаса, байрам ҳамма дам оладиган яқшанба кунни бўлса, қани бу ерда адолат?

Мустақиллик йиллари бу борада ҳам адолат тикланди: Ўзбекистон Республикасининг «ўқитувчи ва мураббийлар кунини» белгилаш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Унга кўра, 1 октябр – ўқитувчи ва мураббийлар кунни, умумхалқ байрами, дам олиш кунни деб эълон қилинди. Энг қизиги,

жаҳоннинг бирон-бир давлатда устозлар, ўқитувчи ва мураббийлар кўни байрам қилиниши менга маълум эмас! Шунинг учун ҳам бу байрам – жаҳонда ягона байрам деб айта оламиз!

## ХУКУМЛАРИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Мактабга биринчи борганингда устозинг Тамара опа сиз – болаларга биринчи соатда дастлаб нимадлар деди, эсла-чи. Ҳа, ани, бир-бир ёлдинга тушати: саломлашиш одоби, савол тутишса, қўл кўтариб, сўнгра устоз руҳсат берсагина, мурожаат қилиш кераклиги, синфхонадаги жихозларга, дарсликларга, ўқув қуролларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, уларни асраб-авайлаш, тоза-покиза тутиш зарурлиги...

Хуллас, устозинг мактабда ўқилишнинг, бу ерда ўзингги туғилишнинг тартиб-қоидалари мавжудлигини тушуниртган, тўғрими?

Кўрингми, халқимиз бежиз «Шаҳар бедарвоза эмас» демайди. Инсон ҳаётда турли тартиб-қоидаларга, кенгрок маънода айтсак, қонунларга риоя қилиб яшаш билан ўтади. Инсоннинг ҳақ-хуқуқлари ва мажбуриятлари ана шу қонунларда белгиланган бўлади. Ҳеч қайси давлат қонунларсиз, Бош Қонун – Конституциясиз мавжуд бўлмайди. Конституция – давлат рамзидан биридир. Шу сабабли, мамлакатимизда 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун – умумхалқ байрами, дам олиш кўни деб эълон қилинган.

## ЯНГИЛАНГАН ЯНГИ ЙИЛ

Янги йил байрамини яхши кўрасан-а. Янги йил жулда эски байрам. Аммо Мустиқиллик йиллари бу байрамимиз ҳам янги маъно-мазмунга эга бўлди. Масалан, шу йил 1 январидан биз фақат 2013 йилни эмас, балки «Обод турмуш йили»ни ҳам кўтиб олдик.

Бу анъана Юртбошимиз ташаббуси билан 1997 йилдан бошланган эди. Йиллар номланишини эслаб қол:

1997 йил – «Инсон манфаатлари йили»;

1998 йил – «Оила йили»;

16

1999 йил – «Аёллар йили»;  
2000 йил – «Соғлом асод йили»;  
2001 йил – «Она ва бола йили»;  
2002 йил – «Қарияларни қадрлаш йили»;  
2003 йил – «Обод маҳалла йили»;  
2004 йил – «Меҳр-мурувват йили»;  
2005 йил – «Сихат-саломатлик йили»;  
2006 йил – «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»;  
2007 йил – «Илгиримой ҳимоя йили»;  
2008 йил – «Ёшлар йили»;  
2009 йил – «Қишлоқ таракқиёти ва феровонлиги йили»;  
2010 йил – «Баркамол асод йили»;  
2011 йил – «Қишлоқ бизнес ва хукусий тадбиркорлик йили»;  
2012 йил – «Мустиқкам оила йили»;  
2013 йил – «Обод турмуш йили».

## БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯЧИЛАРИ БАЙРАМИ

Эсингизми, бир кўни мендан нега оингнинг ҳам, она-сингиларингнинг ҳам исмида «тул» сўзи борлигини сўрадинг. Ушанда сenga берган жавобимни эсла.

Тулни ҳамма яхши кўради. Ёўзаллик, нафосат, маъсумлиқ тимсоли у. Табиатнинг энг гўзал мўъжизаларидан бири. Қизларни, аёлларни тулга ўхшатадилар. Табиатни – дашту далаларни, тоғу қирларни, кўчаю хибобларни тулсиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, ҳаётимизни ҳам гўзал, оқила қизлару аёллар, онажонлару бувижонларсиз тасаввур этолмаймиз. Шунинг учун кўпшаб қизларнинг исмлари тул билан боғлиқ.

Мамлакатимизда аёллару қизларга катта эҳтиром кўрсатилади. 8 март – умуминсоний, халқаро байрами сифатида нишонланишидан ташқари, жамиятимиз ҳаётида аёлларнинг иштироки тобора кенгайиб бормоқда. «Оила йили», «Аёллар йили», «Соғлом авлод йили», «Она ва бола йили», «Меҳр-мурувват йили», «Сихат-саломатлик йили», «Баркамол авлод йили» кўр-қилганимиз, мустиқлик йиллари бевосита ёки бидвосита баркамол

авлод, соғлом авлодни воёта етказиш максадига бағишланган. Соғлом, етук, баркамол, комил авлод тарбиясида эса, аёлларнинг, мунис онажонларнинг ўрни бекиёс.

## КУНЛАРНИНГ АВВАЛИ

Мучалингни биласанми? Балли! Қадимда, кўпчилик ўқини-ёзини билмайдиган замонларда одамлар ёшнинг мучал номлари билан ҳисоблашган. Йил фасллари, ойлар алмашинувини табиат ҳодисаларига қараб белгилашган. Кўхна Шарк ҳисоб-китобларига кўра, янги йил кун билан тун тенглашган пайдан, хозирги ҳисобга кўра – 21 мартдан бошланган. Наврўзни шунинг учун байрам қиламиз. У табиатнинг абадий янгилиниш, бор ҳаётлик байрами.

Собик тузум даврида, ўтган асрнинг 80-йиллари бизни шу байрамимиздан ҳам айирмоқчи бўлишди. 7-чи ёки 8-чи синфда ўқиётганимизда Наврўз ўрнига апрель ойи бошларида сохта «Навбахор байрами»ни тўёки нишонлаганимизни эслайман.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг кўпгина бошқа кадритларимиз катори Наврўзимиз ҳам тикланди. Кишлоқ, маҳалладардаги мингйиллик Саййитхоналар яна тавжумлашди. Қозонларимизни сумадагу ҳалимлар тўлдирди. Барча шаҳарларда, жумладан, пойтахтимизда ҳиёбонлару маданият ва истироҳат боғларида байрам сайиллари уюштирилади. Алишер Навоий номидаги Миллий боғда бўлиб ўтадиган Наврўз тантаналари эса, бутун 50дан ортиқ мамлакатларга телевидение орқали тўғридан-тўғри олиб кўрсатилмоқда...

## ХОТИРАННИНГ ТИКЛАНИШИ

Мустиқиллик майдонини яхши биласан. Эзулик Арки, «Бахтиёр она» макбара, зиёратгоҳи (монументи), Сенат, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар бинолари, Хотира майдони, ям-яшил дарахтлар, гуллар, фавворалар – қандай уйғун бир тўзалик ҳосил қилади.

Шу майдондан бир пайтлар ҳар йили танқлар, ҳа роставкам танқлар юриб ўтарди, десам ишонасанми?.. Ҳа, ростдан, собик

тузум даврида бу ерда 9 май куни ҳарбий парад ўтказиларди. Хотирни кўм-кўк ўтлоқ, гулзорлар ўрнида оғир бетон майдон бўларди. Уша пайтлари 9 май – Ғалаба байрами сифатида нишонланарди.

1997 йилдан мамлакатимизда 9 май – Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонланадиган бўлди. Бу байрам ҳам миллий байрамимизга айланди. Бу ҳақда Президентимиз «Юксак маънавий – енгилмас куч» асарида шундай ёзган:

«Бу воқеа, ҳеч шубҳасиз, юртимизда тарихий Хотирани тўлиқонли тиклаш йўлида ҳаётнинг ўзи такозо этган яна бир жиддий қадам бўлганини айтиш лозим. Шу муносабат билан пойтахтимизда, вилоят ва туманларда Шўро мафкурасини ўзида ифода этган эски ёлгорликлар ўрнига ҳалқимизнинг руҳи ва қарашларига ҳамоҳанг бўлган Хотира майдонлари ташкил этилиб, Мотамсаро она хайкали ўрнатилди.

Ана шу майдонларда барпо этилган ёлгорлик мажмуаларида Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган юрдошларимизнинг номлари махсус ишланган лавҳаларга зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилгани, улар ҳақидаги маълумотлар жамланган 35 жилдан иборат «Хотира китоби» чоп этилгани, айтиш мумкинки, мамлакатимиз тарихида иборатли маънавий воқеа бўлди».

Зеро, ҳалқимиз азалдан аждоқлар руҳига сажда қилиб келган, муқаддас деб билган. Тарихий хотира ана шундай муқаддас, борлигимиз, ва тараққиётимиз асосидир.

## ХАЙИТ – БАЙРАМ ДЕГАНИ

Мустиқиллик инсонга эркини қайтариб берди!

Олдинлари одамлар намоз ўқиш, рўза тутиш каби энг асосий ислом арконларини кўрка-писа бажаришарди. Ҳаж зиёратига бориш эса, кўпчилик мусулмонлар учун етиб бўлмаёс армон эди...

Бутун мамлакатимизда эътиқод эркинлиги Конституция билан қафолатланган. Диний бағрикенглик миллий тоғимизнинг узвий таркибий қисмларидан бирига айланган. Кўплаб дин вакиллари катори мусулмонлар ҳам ўз диний амалларини, маросим ва байрамларини эмин-эркин амалга ошириши, нишонлаши учун барча зарур шароитлар яратилган. Жумладан, мусулмон оламининг икки улут байрами – Рамазон хайити ва

Қурбон ҳайити юртимизда умумхалқ байрами, дам олиш кўни деб эътибор қилинган.

## САРҲАДЛАРИМИЗ ВА МАЪНАВИЯТИМИЗ ХИМОЯЧИЛАРИ

Юртимизда барча касб соҳиблари эъзозланади. Шулардан «Ўқитувчи ва мураббийлар кўни» умумхалқ байрами сифатида эътироф этилган бўлса, бир қанча касб байрамлари ҳам кенг нишонланади. Шулардан 14 январь – «Ватан химоячилари кўни», ҳамда 27 июнь – «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни»ни алоҳида таъкидлаш мумкин. Зеро, Қуролли Қучлар зобитлари офицер ва аскарлари Ватанимиз сарҳадларини, халқимизнинг осойишта турмушини химоя қилаётган бўлса, матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари халқимиз маънавияти посбонлари, миллий маданиятимиз тарғиботчиларидир. Президентимиз ҳар сафар Қуролли Қучлар офицерлари ва хизматчиларига, матбуот ва оммавий ахборот ходимларига байрам табрити йўллар экан, ҳар бир соҳаларда эришилган ютуқларни эътироф этиб ва, албатта, бутунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда мазкур соҳа ходимлари олдига янги-янги вазифаларни қўяди. Уларга юксак ишонач билдиради. Масалан, яқинда Матбуот ва ОАВ ходимларига йўллаган табригида ҳам, жумладан, шундай деди:

«Олдимизда турган яна бир муҳим вазифа борки, у ҳам бўлса, матбуот соҳасида ҳали-бери учраб тураётган ўткир мавзударни четлаб ўтиш, ўзини ўзи назорат қилиш, мансабда ўтирган кишиларга итоатқўйлик, қимматлир ёмон кўринмаслик, воқеаликка бир хил ёндашув каби камчиликларни бартараф этиш билан боғлиқдир».

## МУҲИМ САНАЛАР

Ўғлим, мамлакатимиз ҳаётида шундай муҳим сиёсий ўрин тутадиган саналар ҳам борки, шу юрт фарзанди экансан, уларни ҳам билиб қўйишинг шарт.

2 март – Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган кун (1992 йил).

1 июль – Ўзбекистон Республикасининг Миллий ақлоқсиз – сўм муомалага қиртилган кун (1994 йил).

2 июль – Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун (1992 йил).

31 август – Қатагон қурбонларини ёд этиш кўни (2001 йил).

18 ноябрь – Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун (1991 йил).

10 декабрь — Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси қабул қилинган кун (1992 йил).

## МУСТАҚИЛЛИК АНЪАНАЛАРИ

Эътибор берганимиз, ҳар сафар байрам тадбирларини телевизорда кўрсатишса, оиламиз билан томоша қиламиз. Мустақиллик байрами, Наврўз тантаналарида байрам концерт дастурини ким биринчи бошлаб беради? Ҳа, бағли! Боғлар, оғнаг катори, сен катори, синглинг катори болақайлар – Ватанимиз келажагининг эгалари бошлаб беради. Бу ҳозир анъанага айланган.

Мустақиллик яна қўллаб янги анъаналарга йўл очди. Мустақиллик байрамлари ана шу анъаналар билан янада бойиди, мазмун-моҳияти чуқурлашди.

Мана, масалан, Мустақиллик байрами арафасида бутун юртимиз бўйлаб янги-янги биноно иншоотлар қурилиши якунланиб, фойдаланишга топширилади. Байрам шукухи кезиб юрган кунлари – 2 сентябрь – Билимлар кўни, янги ўқув йили бошида ҳар йили мамлакатимиз бўйича 480000дан зиёд 1-синф ўқувчиларига Президент совғаси – 12 турдаги ўқув қуролу анжомлари берилади. Ватан учун фидойилик билан хизмат қилаётган, бошқаларга ибрат намунасини кўрсатаётган ватандошларимиз давлатимиз ва ҳукуматимизнинг юксак мукофотлари – унвон, ордон ва медаллари билан тақдирланади.

Ўқитувчи ва мураббийлар кўни олдидан ҳам ўз касбини севган, ёш авлод таълим ва тарбиясига муносиб ҳисса қўшган муаллиму мураббийларга Ватанимизнинг юксак унвону ордон-

Ўғлим! Мана, сен билан халқимизнинг энг қувончли кунлари, ватандошларимиз орзу-умидлари мужассас бўлган байрамлар ҳақида суҳбатлашдик.

Энди ана шундай байрам кунлари ҳам ўз хизмат жойида ишлайдиган, элу юрт манфаатлари, ободлиги, фаровонлиги, озо-йишталлиги учун хизмат қиладиган инсонлар бор, улар меҳнатини қадрига.

Улар кимлар, дейсанми? Кел, баъзиларини эсга оланми? Ватанимиз сарҳадларини кўриқлайдиган ҳарбийларимиз, шаҳару қишлоқлар озоишталлигини таъминлайдиган ички ишлар ходимлари, халқимиз саломатлиги посбонлари – шифокорлар, узоғимизни яқин қиладиган жамоат транспорти ҳайдовчилари, қолаверса, дастурхонимиз тўқинлиги учун тунни тонгга улаб меҳнат қиладиган деҳқону чорвадорларимиз... Улар номини яна узоқ давом эттириши мумкин. Ёлпасанми, уларнинг касбу корлари турлича бўлса-да, барчасига хос бир умумийлик бор: бу аниқ инсонлар учун шундай дорилмомон замонда хонадони, маҳалласи, Ватани фаровонлиги йўлида меҳнат қилиш шараф, уларнинг ҳар бир иш кўни байрам! Негаски, улар Буюк ва муқаддас, Мустанқил Ватан учун хизмат қилмоқда!

## МИЛЛИЙ ДАСТУР НИХОЛЛАРИ

Мустақиллик йилларида эришган ютуқларимиз таълим тизимидати кенг камровли ўзгаришлар, эришган муваффақият-ларимиз билан боғланиши бежиз эмас.

Қадрлар тайёрлаш миллий дастуридан кўзда тутилган мақсаднинг ўк илғизи – интеллектуал жиҳатдан юксак авлодни тарбиялашдир. Замонавий ва интеллектуал билимларга эга, ташаббускор шахслар ижтимоий ҳаётни янгилаш, ўзгаришларга, инновацияларга тезкор мослашиш, пировардида мамлакат тарақ-қиятига улуш кўша олиш кўрбига эга бўлади. Шу маънода, таълим соҳасидати ислохотлар – бутун жамиятдаги янгилашниш ва ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучи вазифасини бажаради.

Ислохотлар натижаси, энг аввало, инсон, айниқса, ёш авлод оғли, тафаккури, дунёқарашидати ўзгаришлар билан боғлила-ниди. Шундай экан, бутун фарзандларимиз шиддат билан ривож-ланиётган даврда нимаъларни орзу қилишмоқда?

### КАТТА БЎЛСАНГ КИМ БЎЛМОҚЧИСАН?

Ўғлим!

Биз, ўтган асрнинг 80-йиллари мактаб ўқувчилари муал-лимимизнинг: «Катта бўлсанг ким бўлмоқчисан?» деган саволига беш-олтитатина касбни айтиб жавоб берардик. Синфдош кизлар-нинг ҳаммаси ўқитувчи, ўғил болалар эса, шофёр, юрист, мили-ционер, дўхтир бўлишни орзу қилардик. Ҳозир ҳам шундай орзу қилганлар бор, аммо ҳазирги ёшлар – сизлар орзу қиладиган касб-ларнинг адоғи йўқ, десам муҳолафа бўлмайди.

Биздан бир-икки ёш катта ва бир-икки синф кичкина болаларнинг ҳам касб танлаш борасидати орзуларидан унча-мунча хабарим бор эди. Улар ҳам, асосан, юрист, врач, мили-ционер, шофёр, ўқитувчи, тикувчи бўлишни орзу қилишарди. Ёлган касбларимиз шу эди-да. 5-чи ёки 6-чи синфда бир синфдошимиз учувчи бўлмоқчилигини айтганида, бутун синф унинг устидан кулган, у эса хижолат чекиб колган эди...

(Бутун эса ёшгина, келишган йилгиларимизнинг бир қанчалари «Ўзбекистон ҳаво йўллари» самолётларида кема командирлари бўлиб ишламоқда.)

Сиз, Мустакилик фарзандларининг онти, дунёқарашин бизнинг болалигимиздаги онгимизу тафаккуримиздан тудлан фарқ қилади. Бу устозларингизнинг «Қатта бўлсанг ким бўлмоқчисан?» деган саволига берган жавобларингизда ҳам кўриниб турибди. Демак, энди сен билан Мустакилик йилларида мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, ҳамда уларнинг натижаларининг Сиз, ёш авлод онгида акс этаётганлиги ҳақида суҳбатлашамиз.

## МЕН – «МЕХАНИЗАТОРМАН»

1988-1989 ўқув йилида, 8-синфлигимизда хар душанба куни кишлоғимиздан 10 километр узоқликдаги Оксойга бориб, МУПКда ўқирдик. У нима, дейсанми? МУПК «Междшшкольный учебный-производственный комбинат» – дегани. Ўзбекчасига – «Мақтаблараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинати». Теварақдаги уч-тўрт мактаб болалари бу ерга келиб, 5-6 соат тракторчиликка ўқирдик. Сен бунга қизиқасанми ўзи ё йўқми, ҳеч кимни қизиқтирмасди. Ўғил болалар ҳам, қизлар ҳам ёшасига механизаторликка ўқитиларди. Гарчи ўша пайтларда тракторни хайдаш, бошқаришни билмайдиган ёшларни тасаввур қилиб бўлмасди...

Сешанба куни 9, чоршанба куни эса, 10-чи синф ўқувчиларининг 5-6 соат вақти шундай бетайин комбинатда ўқиш учун кетарди... Ҳафтанинг қолган кунлари 7 соатдан ўқирдик. Еттинчи соатдаги толиқишни сўрама, айниқса қиш кунлари...

Хуллас, мен ҳам кўпчилик катори 1989 йили механизаторлик гувоҳномасини олганман. Аммо бирор марта ҳам трактор рулига ўтирганим йўқ... Бутун касб-хунар коллежларида таълим олаётган ёшлар 1500дан ортиқ мутахассислик орасидан ўзи қизиққан, иқтидори ва салоҳиятига мос келадиган йўналишни танлаб, тўқсиз бир хунар эгаси бўлаётганлигининг ўзи кечати ва бутунги куннинг энг ҳолис қиёси эмасми?

## «МУАЛЛИМ ДЕСАЛАР МЕНИ, ҚАНИЙДИ»

Келажак орзуларингиз қандайлигини бир ўйлаб кўрсак.

Амал айтганимдек, синфимиздаги 16 бола беш хил касб соҳибон бўлишни орзу қилганмиз. Сен ўқиётган Сирғали туманидан 300-даъват ихтисослаштирилган умумтаълим мактабининг 2-«Д» синф ўқувчилари эса, 27 бола 14 хил касбни танлаган-сизлар. Нигина ўқитувчи бўлман, дегти. Лайло, Рухсора, Зебунисо Каримова ва Зебунисо Ўролбоевалар эса – бошланғич синф ўқитувчиси.

Бутун юртимизда ўқитувчининг моддий аҳволи яхшиланиб бориши, энди бу касбнинг нуфузи ошиб бораётганлиги ҳам бунга таъсир кўрсатаётгани аниқ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўқитувчи меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 275-сонли қарори асосида бутун ўқитувчилар асосий маошига кўшимча равишда 40 фоизгача устамга ҳақ олиши мумкин. Ҳозир бир ўқитувчининг ўртача ойлиги устамалар билан қўшиб ҳисоблаганда 600 минг сўмдан ошиб кетади.

Бу эзу касбни эгаллашни хоҳловчилар қанчалик кўнглини сенинг мактабингда, сенинг синфингда ҳам ўтказилган тезкор сўров натижаларидан билиб оламиз.

3-«Г» синфда (34 бола 21 хил касбни танлаган) 4 нафар бола ўқитувчи, яна бир нафари эса тарбиячи бўлишни орзу қилишаркан. Опанг ўқийдиган 4-«Г» синфда ҳам муаллим, устоз бўлишни хоҳлайдиганлар кўп экан. Бизнинг синфдачилар шунчаки ўқитувчи бўлман, деган бўлса, опангнинг синфдошлари мақсадларини тоза аниқ белгилашган: Нилуфар билан Нолима бошланғич синф, Лазиза математика фани ўқитувчиси, Мохиноур логопед, Лайло эса мактаб директори бўлмоқчи! Умуман, опангнинг синфда менинг қичкина талқикотимда нитроқ этган 29 ўқувчи 14 хил касбни танлаган.

Шунинг учун ҳам биз катагон даврда устозни – “малим” деган масҳара, “қани энди мени муаллим десалар” – деган эзу орзуларининг рўёбга чиқишини кўриб турибмиз.

## 40 ЙИЛЛИК РЕАКЦИЯ

Ўқитувчилик ҳақида гап кетганда кимё дарсида бир тажриба ўтказганимиз эсимга тушади (бошқа дарсларда умуман амалий машғулот ўтмаганимиз, бунга шароит ҳам йўқ эди) – қанднинг кўмирга айланиш реакцияси. Муаллимимиз биздан юқори синфларга ҳам, куйи синфларга ҳам фақатгина шу реакцияни кўрсатиб берган экан... (Бу осон-да – қанд ва гутурт бўлса бас!).

Бутун эса мамлакатимиз таълим муассасаларида 9875та физика, 9487та кимё лаборатория хоналари, 9390 та биология хоналари ташкил этилиб, зарур ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланган. Мазкур фанлар бўйича олинган билимлар амалий машғулотларда мустаҳкамланмоқда. Ўқув-лаборатория жиҳозлари ҳам ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда.

2007 йили Тошкент шаҳрида кимё фанидан Менделеев номидаги 42-халқаро олимпиада бўлиб ўтди. Дунёнинг энг билимдон ўқувчилари иштирок этган бу танловда ўзбек ўқувчилари мураккаб кимёвий масалаларни ечишу, энг сўнгги аниқланган кимёвий реакциялар занжирини амалий тарзда кўрсатиб беришда ҳам энг юқори натижани кўрсатиб, умумжамоа ҳисобида 1-ўринини қўлга киритдилар. Ўшанда улар юртимизда 1та олтин, 1та кумуш, 13та бронза медалларини ўз ақл-заковати билан олиб қолдилар.

1995-2011 йиллар давомида Ўзбекистон ўқувчилари химия, биология, физика, математика, информатика ва хорижий тил фанларидан халқаро фан олимпиадаларида жами 244та, шундан – 20та олтин, 49та кумуш, 175та бронза медалини қўлга киритди.

## МАҚСАДЛАРИ АНИК БОЛАЛАР

Синфдошларингдан бир нечаси халқимиз саломатлиги йўлида хизмат килишни орзу қиларкан. Абдувоҳид дорйшунос, Саида ва Жаҳонгир стоматолог, Мадина ва Феруза шифокор бўлишни ният қилаётти.

3-«F» синфда ҳам врач, кардиолог, стоматолог бўлишни кўзлаётганлар бор. 4-«G» синфдан эса, Гули ва Моҳситора болалар шифокори бўлмоқчи эканликларини айтибди.

2-«D» синфдан Ирода, 3-«F» синфдан Машхура, 4-«G» синфдан Жавоҳир, Хожикабар ҳуқуқшунос, Саидзим ва 3-«F» синфдан Севинч бўлса, адвокат бўлишга кизикаркан. Синфдошларингдан Самандар, Азизбек, Иброҳим харбий, 3-«F» синфда ўқийдиган Жасур Ваган химоячиси бўлман, дегти. Унинг синфдоши Шохрух ҳамда 4-«I» синфдан Асилбек ДАН ходими, Жавоҳир эса милиция ходими бўлмоқчи.

Синфдошларингдан Одина ва Гулноза, 3-«F» синфдан Гулноҳон ва Азиза тивувчи ва чевар бўлишни хоҳлашаркан. 4-«I» синфдан Шахноза, Гулноза, Моҳина ва Муслима либослар дитайинери бўлиш орузида. Бу каби болаларнинг орузлари амалга ошиши учун ҳам юртимизда шароитлар мавжуд. Жумладан, Тошкент ва Нукус шаҳри ҳамда барча вилоят ҳамда туманлар марказларида 211та «Баркамол авлод» болалар марказлари ташкил этилмоқда. Уларда болаларга бадиий ижодиёт, ўлкашунослик ва экология, техника ижодиёт йўналишларида миллий ҳамда замонавий касб-хунар, или ҳамда санъат сирлари ўратилмоқда.

3-«F» синфдан Рамзиддин, Илҳом ва Акбар, 4-«G» синфдан Фирҳод ва Бобур учувчи бўлиб, улкан-улкан самолётларни бошқаришни орзу қилишяпти. Мавлонбек синфдошнинг ҳисобчи, Шарифа билан Моҳирабону расом, Суннатилла бастакор, Бехрўз темирўйғичи, Шохрўз банк ходими бўлмоқчи экан. 3-«F» синфда ҳам икки бола банкир бўлиш истагиди. Ошпаз, хайдовчи, сартрош, новвой, курувчи, санъаткор, судья, тадбиркор ва хатто Президент бўлишни орзу қилганлар ҳам шу синфда ўқишади. 4-«I» синфдан эса Асад ва Отабек архитектор, опанг эса журналист бўлиб етилиш хоҳишида. Бу орзу-ниятларингта эришиш учун ҳозир Сиздан фақат ва фақат яхши ўқиш, вақтдан тўғри фойдаланиш талаб қилинади. Ҳали кизиклишларинг ва имкониятларингта мос академик лицей ва касб-хунар коллежларида таҳсил оласизлар.

Олий ўқув юртлиари қошида 141та академик лицей ҳамда 1396та касб-хунар коллежлари фаолияти йўлга қўйилди. Уларда 1,7 миллион нафар ўғил-қизлар бутунли кунда эхтиёж қатта бўлган замонавий касб-хунар сирларини ўрганмоқда.

## СПОРТ – СОҒЛИК ГАРОВИ

Синфинтзда Абдурашул ва Улутбек футболга, Шомаксул ва сен шахматга иштиёқларинг баланд экан. 4-«Г» синфдан ҳам спортчи бўлишни истайдиганлар бор: Саидали ва Азамат футболчи бўлмоқчи экан.

Ўқувчилик давримдаги жисмоний тарбия дарсларини эсласам, кўз олдимга икки тарафга иккитадан икки метрлик ёғоч кўмилган «дарвоза»ли тупроқ-кўмли майдон ва ерни чангитиб копток тепаётган биз, болалар келади. Жисмоний тарбия дарси – копток дарси эди. Тўғни ҳам аксари болалар ўзимиз пул йиғиб олардик. На спорт формаси, на бошқа машқлар, машғулотлар бўларди. Мактабларда жисмоний тарбия дарсига қандайдир иккинчи ё учинчи даражали машғулот сифатида қараларди. Жисмоний тарбия ўқитувчиларининг обрўси ҳам шунга яраша эди...

Бугун эса, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан жами 1204та турли спорт иншооти ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси томонидан 3690та мавжуд мактаб спорт заллари капитал таъмирланиб ва янгидан қурилиб фойдаланишга топширилди.

Мустақиллик йилларида ўқувчи ёшларимиз халқаро муسابакаларда 4025та, шундан 1279таси олтин, 1164таси кумуш ва 1589таси бронза медалларини кўлга киритди.

Мамлакатимизда 1991 йилда спорт билан шуғулланувчи болалар сони 199 626 нафар (улардан 72 326 нафари кизлар)ни ташкил этган бўлса, 2011 йилга келиб бу кўрсаткич 1 615 103 нафар (улардан 703 177 нафари кизлар)ни ташкил қилди. Демак, истиқлол йилларида спорт билан шуғулланадиган болаларимиз сонининг 8 баробарга ортишига эришилди.

Бунинг натижасида 2010 йилда 2005 йилга нисбатан ўқувчилар ўртасида ўткир респираторли вирусли инфекция билан касалланиш 12,8, пневмония билан касалланиш 15,5, бронхит билан оғриш 16,2 ва скалиоз билан касалланиш 11,6 фonga камайган. Сўнгги беш йилда спорт билан шуғулланадиган 10-14 ёшдаги болаларнинг бўйи ўртача 2,3 киз болаларнинг бўйи 2 сантиметрга ўсгани, вазни эса тегишли равишда 2,6 ва 2,9 килограммга ошган.

## СИЗЛАРГА ХАВАСИМ КЕЛАДИ!

Буллар – ҳали энди 8-11 ёшли болакайларнинг бегубор орзулари. Ҳали баъзиларининг орзуларинг ўзгариши, баъзиларининг қароринг қатъийлашиши тайин. Балки келажақда янада имонлиий, биз – ўтган аср 80-йиллари болаларининг тушига ҳам қарашган янги касб, хунарларни эгаллашларинг мумкинлидир.

Компьютер устаси, дастурчиси, компьютер графикаси устаси, интернетдан фойдаланиш имконини берадиган кўпшаб инги ихтисосликларни ҳам танлашларинг мумкин.

Эътибор бердингми, биз шунчаки ўқитувчи, тикувчи, врач ёки юрист бўлман, деган бўлсак, сенинг тенгдошларинг бошлангич синф ўқитувчиси, математика ўқитувчиси, тарбиячи ёки потонед; либослар дизайнери; хукуқшунос, адвокат ёки судья; стоматолог, кардиолог, болалар шифокори бўлман, деб максадли аниқ кўйяписизлар. Бу – Мустақиллик фарзандларининг онги, дунёқараши, савияси анча кўтарилиганидан, ишларилаб кетганидан дарак! Сизларга хавасим келади!

## АХИР, БҮГҮН НАВРҰЗ, ДҮСТГИНАМ

Ҳатти!

Наврўз уйда ўтириб кутиб олиндиған байрам эмас. Баҳор даслаб дала-дашларга, боғларга, тоғларга кириб келгани каби, Наврўз ҳам аввало кўчаю хиёбонларга, сайгоҳларга, ҳовилларга кўрк бериш билан бошланади. Шундай қилиб одамларнинг кўнглига кириб келади бу байрам.

Кел, икковимиз ҳам байрам руҳи кезиб юрган шу кунларда бир кўчаларни айлантайик.

### “СУМАЛАК НЕГА ЁЗДА ПИШИРИЛМАЙДИ?”

Э, мана, кўшниларга қара, сумалак пиширишни бошлаб юборишибди. “Сумалак нега ёзда ҳам пиширилмайди?” дейсанми. Негаки, у баҳор таоми, Наврўзнинг таоми. Биласанми, масалан, паловни бир одамнинг ўзи тайёрлаши мумкин. Лекин сумалакни бир киши пиширолмайди. У кўпчиликнинг, бир неча кунлик меҳнатини талаб қилади. Шунинг учун ҳам у ширин бўлади. Кўни-кўшниларни, қариндош-уруғлар, маҳалладошлар, ҳамқишлоқларни бирлаштиради сумалак сайи. Ёшлар ва катталар бирдек меҳнат қилиши улар ўртасидаги меҳрни мустаҳкамлайди.

Сезилсанми, шу кунларда эрталаб уйкудан туришинг аввалгилардан кўра қийинроқ кечаяпти. Баҳор бошида ўзи шундай бўлади. “Илик узилди” дейди кексаларимиз бу даврни. Қиш охири, баҳорнинг бошларида инсон организмиди турли витаминларга эhtiёж янада ошади. Сумалакда, яна кўкламада чиқадиган исмаюк, ялпиз ва бошқа бир қанча кўкатларда шу эhtiёжимизни қоплайдиган дармондорилар бўлади. Ёзда эса, бошқа мева-чевадар пишади, қузда яна бошқалари, хуллас у пайти сумалакка эhtiёж бўлмайди. Табиатни тушунсанг, уям сени қуруқ қўймайди, болам.

## НАВРҰЗ БИР КУНЛИК ЭМАС

Аслида бойчечак очилиши, кейин бодомнинг, ўрикнинг гуллини баҳордан, Наврўздан дарак. Одамлар ҳам шунга қараб байрамга чоғланадилар. Сумалак учун бутдўй ундириш байрамга қозирлик кўришининг илк қадамидир.

Мана, ўзинг ҳам мактабингда Наврўз арафасида бўладиган паррак сайига тайёрланишни бошлаб юборганингга неча кун бўлди. Ўзингча режалар тузаяпсан, шеърлар ёдлапсан. Байрам шуниси билан қизик-да!

Халқимиз ҳам Наврўзга таралдудни анча олдин бошлайди. Халқар уюштирилиб, ҳовиллар, кўчаю хиёбонлар, қабристонлар қозланади. Кўчатлар ўтказилади. Наврўз чиройли байрам. Шунга яраша ҳамма жойнинг чиройли бўлишини талаб қилади-да!

Бу эзгу ният қаттаю қичик барчани бирлаштиради. Сента ўштан болақайларни меҳнат қилишга, бир-бирига ёрдам беришга ўргатади. Ана, анаву амакинга қара, даракларига шакл беришни бошлаб юборибди. Ёнидаги ўғли бўлса керак, шох-шибобларни йнгиттирапти. Сен қатори бор-ов ёши ҳам. Қўлингми, Наврўз оталар ва боғаларни, боёбо-бўвилару невараларни ҳам бир-бирига янада яқинлаштиради – авлодлар ўртасиди риштани мустаҳкамлайди. Ана шундай тўзал байрам бу Наврўзимиз!

### НАВРҰЗ – СПОРТ БАЙРАМИ ХАМДИР

Манами “Сирғали” боғалар спорт мажмуаси, биласан-а.

Э, анами қоласқадати шпринггина болақайга қара. Хали юрншин билмайдию, кўча айланиб завқланишини, дарактлару кўкаламларга қараб хайратланишини билади. У мента қиплогчминдиги бир боғани эслагиб юборди.

Уни сенам танийсан. Наврўз – Тожи бобонинг энг кенжа невараси. Боғалигидан жузда зийрак бола эди. Ҳозир қатта йипит бўлиб қолган. Кўп нарсаларга қизикади. Адамасам, ҳозир Самарқанддаги санъат коллежиди ўқияпти. Актер бўламан дейди.

Кишлоғимизда беш-олти чоғли Наврўз бор-ов. Ҳаммаси Наврўзда туғилган. Ҳаракатчан, меҳнаткаш болалар. Кун билан тун тенг келган паллада туғилган-да, ҳаммани тенг кўрадиган одобли, муомалали йигитлар. Бундаим бир хикмат бўлса керак.

Яна бир Наврўз деган бола ёшлигидан жуда чайир бўлиб, яхши олишарди. Илгари миллий курашимиз факат шундай сайилларда, тўйларда одамларнинг эсига тушарди. Кўпқари-улоқ, югуриш, кураш, мерганлик, чавондозлик, тош ўйнатиш, от пойгаси, найза улоқтириш, қилинчбозлик каби ўнлаб спорт мусобақалари айнан Наврўз сайилларида, байрамларида кўрк бағишлаган. Шу Наврўз амакинт тенгқурлари туғул, ўзидан икки-уч ёш катта болаларни ҳам илиб отарди. Шарт-шароит, эътибор бўлмаганлиги учун шундай истездодли йигит ўзининг билати-дати куч-қувватини, салоҳиятини кенг майдонларда, катта-катта мусобақаларда намойиш эта олмади. Ҳозир бўлса миллий курашимиз билан африкалик негрлару америкаликлар ҳам, осийликлару европаликлар ҳам шуғулланапти. Ўзимизнинг полвонлар ҳам чакки эмас. Мана, Абдулла полвон, Ришод полвонни биласан. Айтгандай, машхур полвонларимиз орасида ҳам Наврўзда туғилгани бор – дзюдо бўйча миллий терма жамоамиз аъзоси Наврўз Журақобиллов. Кўпчилиги энг чекка кишлоқлардан етишиб чиққан. Бутун юртимизнинг ҳар бир кишлоғининг ўз чемпионлари бор. Чунки шунга яраша шароит бор-да! Ана, ўзимизнинг ҳамкишлоғимиз Орузбек Тўйчиев ҳам кураш бўйча ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлиб, ўтган йили Ҳиндистонда бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иштирок этиб қайтди. Ҳозир Самарқанд шаҳрида қолжежда ўқияпти.

Уларни мана бундай болалар спорт мажмуаларидаги машғулотлар, қолаверса Наврўз сайиллари мусобақалар ҳам тоблайпти.

## ЎЗГАРАЁТГАН МАМЛАКАТНИНГ, ЎЗГАРАЁТГАН ПОЙТАҲТИ

Энди шаҳримиз марказига йўл оламиз.

Тунов кунни қизик бўлди. Хоразмлик Санъат деган кўрдешимиз кўнтрирок қилиб қолди. Ҳазорасп саноат касб-хунари коллежиди директор ўринбосари экан. Малака оширишга келиб-ди. Ниҳонангизга бораман, дийдорлашайлик, деди.

Тошкентга бундан аввал беш-олти йил илгари келган Санъат ота метронинг Мустақиллик майдони бекатидан чиқиб, кай томонга юришни билмай гантиб қолибди. Кўнтрирок қилган эди, қимирламай турипт, ўзим бораман, дедим.

Дўстимиз хайратини яширолмади: “Тошкент дим ўзғариб, чиройли бўлиб кетибди-ку!”

Бундай эътирофни хорижликлар ҳам айтишарди. Хув анани чиройли ва салобатли бинога кара. Бу – Симпозимлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Миллий култувона жойлашган Маърифат маркази. Бу ерда яқинда халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда катнашган чет эллик меҳмонлар мамлакатимизда рўй бераётган туб ўзгаришларга юксак баҳо беришди. Ўзбекистонимизнинг салоҳиятини тан олишди. Ўзгаришлар факат шундай янги бинолар қурилишида эмас, халқимиз, энг асосли, ёшларимиз онгида, дунёқарашида бўй кўрсатаётганини таниди.

Бу тарафни биласан, мана Мустақиллик майдони. Сўнгги йилларда у ердаги барча бинолар янгидан қурилди ёки реконструкция қилинди. Бу томонда эса, янги кўриниш олган Амир Темури хибони. Хув анави кўр тўқиб турган салобатли бино – “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройи.

Манави дарахтларга кара, шу ерда – катта шаҳарнинг қок ўртисиди турна, лайлақлар донлаб юрибди, олмахонлар яшайди, дарахтдан дарахтга сакраб юрганини бир неча марта кўрганман.

Эски шаҳарда бир минората эса лайлақлар уя қурган. Юртимиздаги тинчлик-тотувликнинг бир ишорасидир бу. Бунда ҳам бир хикмат бор-да.

## ХАЁТ САБОҶИ, ТАРБИЯ МАКТАБИ

Махсус сарғиш кийимдати кишиларни кўрапсанми? Улар ободонлаштириш бошкармаси ишчи-хизматчилари. Шаҳримизнинг кўркли, обод бўлиши учун елиб-югурадиганлар шулар. Эртага, индин эса, ҳаммамиз хашарга чиқамиз, биласан-а.

Мана, Алишер Навоий номидаги Миллий ботмиизга ҳам келдик. Асосий Наврўз тантаналари шу ерда бўлади.

Биласанми, юртимизнинг истаган вилоти, туманига борсанг, дەرри хар бир кишлоқда Сайилтепа деган жой бўлади. Йилбоши, дарвешона тadbирлари, кейин Наврўз сайи шундай сайилтепа, сайилжой, сайилтох деб номланган жойларда бўлади. Бир томонда сумалак, халим, ош, яна турли хил таомлар пиширилган, бир томонда кураш, кўпқари, аркон тортиш, футбол ва яна бошқа спорт мусобақалари бўлаётган, ёшлар хизматда, кексалар иззатда. "Мард йигитнинг аслин билай десангиз, марракада ўтириб туришин кўринг", деб ёзган кардош туркман элининг улўғ шоири Махтумқули. Ёш йигит-яланглар марракада эл хизматида бўлишни, билсанг, энг биринчи мана шундай сайилларда ўрганади. Нуруний отахонлар ёшларнинг юриш-туриш, ўзини тутини, муомаласига қараб баҳо беришади: "Фалончи жуда яхши одам эди-да раҳматли. Сен унинг неварасимсан? Айтдим ўхшаб турибсан. Балли, ўғлим, барака топ". Ўрта ёшлилар: "Ай сен, фалончининг ўғлимисан. Отанг бундай эмасди-ку. Чаккон-чаккон ҳаракат қилсанг-чи!". Ёшлар ҳаёт сабоғини олади, тарбия мактабини кўради бундай сайилларда.

Булар мингйиллик анъаналар. Мустақиллик йиллари халқимиз томонидан янги-янги эзгу анъаналар ҳам жорий қилинаётти. Масалан, бизнинг кишлоғимизда хар йили Наврўз сайида ўтган бир йил давомида тушган янги келинларнинг келинсалом маросими уюштирилади. Шундан сўнг улар ўртасида пазандалик, рўзғор юмушлари, бадий чикишлардан иборат шартлар бўйича ўзига хос мусобақа ўтказилади. Бунинг ҳам ўзига хос тарбиявий аҳамияти бор, хикмати бор.

## НАВРЎЗ ШЕЪРИ

Нега сусайдинг, ха, чарчадингми? Куёшни қара, қандай кўнib қарайпти бизга. Бутўтлар ҳам чиройли безаниб олибди-я. Хай, майли, уйга қайта қоламиз. Бутунча етар. Хали кўшни мондонан бир хабар олишимиз керак, бир ўзи яшайди. Кишлоқдаги қариндошларга ҳам кўнпирок қилиб кўйсак, ёмон бўлмайди.

Хасан амакнингнинг бундан йигирма йилча илгари, кўклам биррамимиз энди қайта тикланган йиллари ёзган бир шеъри бор. Аллоб берайми, шу билан уйимизга ҳам етиб оламиз. Наврўз қонда хали яна кўп гаплар бор. Уйда бемадол турунглаша-верамиз. Шеърни эшит:

Ўйлагим келмайди ёмонлар ҳақида,  
Сўйлагим келмайди ҳазонлар ҳақида,  
Қуйлагим келмайди армонлар ҳақида,  
Ахир бутун Наврўз, дўстгинам.

Ўтмишга дўнар киш, боқкиши паршон,  
Сувларда не тапвиш, окиши равон,  
Ёмғир кўз ёшми дилпарча опикнинг,  
Қизларнинг мажмуғинг попуғин тақийи,  
накадар равон.

Қоқигул сарғаяр, дилида доти арийди,  
Бойчечак жилмаяр, боғалик беғубор,  
Не қилса арзийди ушбу кун гул-чечак,  
Уники шу тулпроқ, уники шу баҳор.

Қай кўнгли қўшқиди тож-тахтли бўлармиз,  
Ундан сўнг ўлгунча то ақли бўлармиз.  
Эртага... эртага биз бахтли бўлармиз,  
Ахир бутун Наврўз, дўстгинам!

## ОИЛА – МАЪНАВИЯТ КЎРҶОНИ

Ўғлим!

Одамлар кеч-қурун уйлариға пошиладилар. Нега дейсанми? Ҳа, яша! Болалари, оиласи барига пошилишади. Инсон оиласи барига эртанти, ундан кейинги, бир умрлик фаолияти учун куҷ-куват тўшлайди. Айниқса, халқимиз барча эзғу орзу-умидларини фарандлари, оиласи билан боғлайди. Ўзидати барча фазилатлари, минг асрлик миллий қадриятларни оила муҳитида фарандларига синдиришга ҳаракат қилади. Шунинг учун оилани – миллият кўрғони, маънавият кўрғони дейдилар.

Энди сен билан Оила ҳақида, юртимизда бу муқаддас даргоҳнинг янада фаровон, обод ва тўзал бўлиши учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида суҳбатлашамиз.

### ЭЪТИБОР

Қишлоқдаги уйимизни биласан-ку, олти хонали катта уй. Ҳозир амакиларнинг туришдади. Шу уйни 1990 йили қурганмиз.

Авалги уйимиз бир қақирим пастроқда, уч хонали эди. Ўтган асрнинг 60-йиллари қурилган эски, пасткам иморатнинг томини ҳар йили лойсувоқ қилардиқ. Барибир, ёмғир, қор ёғса томчи ўтарди. Томчига латан ёки челақ қўйиб, лойқа сува тўлғач, ақа-уқалар навбатма-навбат ташқариға тўқиб келишимизни ҳалим яхши эслайман. Янги уй қуриш, унинг томини шифрлашга отамнинг қурбн етмаган чоғи...

Шу аҳволимизга, адашмасам, 1987 йилдан уйимиз шифтидаги васса ва болор<sup>1</sup> ёғочларини сарик қумурсқа кемира бошлади. У нима дейсанми? Йўқ, уни қўрмагансан. Анави баҳорда чиқадиган беозор чуқолино қумурсқалардан каттароқ, очқўз хашарот у. Китобларда “термит” дейди. Унча-мунча захарли дорилар ҳам уни йўқ қилолмайди.

Хуллас, икки-уч йилда сарик қумурсқанинг тиши тетмаган болор-ёғоч қолмади ҳисоб уйимизда. Энг ёмони – оқшомлари шифдан қулаб тушган кемирувчилар оёқ-қўлимиздан, бадаани

анидан шундай қақардики, уйғониб кетиб, азобидан ухлай олмадик...

Нихоят, 1990 йили қишлоғимизда қўпчилик, айниқса, бир қонилда икки-уч, баъзан тўрт оила турадиган қишлоқ давлатдан сеуда олиб, янги уй-жой қура бошлашди. Отам ҳам Катта-қўрғонга бориб, банкдан беш минг сўм олиб келгани эсимда. Сеуда нима дегани дейсанми? Тўхтаб тур, тушунтираман, ҳеч қачон пошилма. Ганни охиригача эшит, шунда тушуниб оласан, тушунамсан, савол берасан.

Сеуда бу – қарз дегани. Давлат фуқаролариға, масалан, ўн йилга қарз беради. Қарз олган одам ўн йил давомида ойма-ой тўлаб, шу қарздан қутулади. Қурган уйи ёки сотиб олган нарсаси ёнига қолади.

Энди, орадан шунча вақт ўтиб Президентимизнинг “Ўзбекистон мустақиллиққа эришиш останасида” китобини ўқиб билдимки, ўша пайтлари бизга ўхшаб сеуда олиб уй-жой қуриб олганлар, шахсий томорқата эга бўлганлар юртимизда жуда қўп экан. Юртбошимиз давлат раҳбари бўлиб келган кундан бошлаб, энг аввал халқимизнинг турмуш шароитини яхшилашга киришган. Чунки эски тузум пайтида Ўзбекистонимизда уй-жой, томорқа масаласи энг ўтқир, айтиш мумкинки, ортидан бошқа янги бир қанча қийинчиликларни юзата кеттирадиган муаммолардан бири эди. Китобни ўқиб, ўша даврлар бир-бир қўз ўнгимдан ўтаркан, мамлакатимиз раҳбари бошқа қўпгина масалалар қатори оғли масаласига, барқамол авлод тарбия топадиган илк маскан – оғлининг мустаҳкам этиш учун тўқис шароит яратиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш масаласига ўша даврдан бошлаб янги эътибор берганлиғига амин бўлдим. Бу ғамхўрлик ҳамон давом этиб келмоқда.

### ҲАММАСИ ОИЛА УЧУН

Эсингизда бўлса, олдинги мактубларимдан бирида ҳам айтган эдим: мамлакатимизда Юртбошимиз ташаббуси билан йилларга ном берилиши ва унга қўра Давлат дастури қабул қилиниши ўзини микёсда яратувчилик ишлариға пойдевор бўлмоқда. Эътибор берсанг, бу номланишларнинг аксарияти қандайдир даражада ОИЛА билан боғлиқ. Мана, қара: “Оила йили” (1998),

<sup>1</sup> тўсин – шевада шундай аталади.

“Аёллар йили” (1999), “Соғлом авлод йили” (2000), “Оналар ва болалар йили” (2001), “Кариёларни кадрлаш йили” (2002), “Обод маҳалла йили” (2003), “Ижтимоий химоя йили” (2007), “Ёшлар йили” (2008), “Баркамол авлод йили” (2010), 2012 йил ана, биларкансан – “Мустақам оила йили”. Бу йил эса “Обод турмуш йили” деб ном олди (2013)

## ХАЛ ҚИЛҲУҲЧИ БЎҒИН

Оила нима дегани, биласанми? Оила – бу бобо, буви, ота-она, фарзандлар биргаликда яшайдиган жой, тўғрими? Болалар кимга эркалик қилади? Ҳа, тоғдинг, бобосига ё бувисига. Улар бўлмаса, ота-онасига.

Энди, ўғлим, ҳаёт факат эркалигу силаб-сыйлашлардан иборат эмас. Ота-онанг сента меҳр бериб ҳам, уришиб-койиб ҳам тарбия беради. Ўзбекистимиздан, миллий кадриятларимиз, анъаналаримиздан сабоқ беради. Шундай қилиб, сени мустақил ҳаётга тайёрлайди. Жилдийроқ айтадиган бўлсам, оила – миллий ўзига хосликни, кадриятлар, энг яхши анъаналарни жамлаган миллий маданиятни, бир сўз билан айтганда, миллият киёфасини асраб қолувчи кўрғондир. Айрим давлатлардаги муайян қушлар томонидан амалга ошириладиган мафқуравий тазйик, маданият хуружлар эса, энг аввал айнан оила тушунасини пароканда қилишга қаратилган. Шунинг учун ҳам Президентимиз Ислоҳ Каримов ҳар тал ёш авлодни турли таҳдид ва тазйиклардан, маданият ва маънавий хуружлардан асраш ҳақида гапирар экан, бунда, энг аввало, оилата эътиборни қушайтириш зарурлигини таъкиллайди. Юртбошимиз бу масалага «Юсак маънавият – енгилмас қуш» асарида ҳам эътибор қаратган:

«Ҳар қайси миллиятнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Қушқи инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунача ва тасаввурулари биринчи талда оила бағрида шаклланади. Боланинг характери, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша қаби муқаддас тушуналарнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир.

Шунинг учун ҳам айнан оила муҳитида пайдо бўладиган ота-онига ҳурмат, уларнинг олдидати умрбод қарздорлик бурчинини қушқур ағлаш ҳар қайси инсонга хос бўлган одамийлик феълиятларини ва оилавий муносабатларнинг неғизини, оиланинг маънавий олиманин ташиқил этади.

Қушйиллик илмий қушатиш ва тадқиқотлар шуни қушсата-дики, инсон ўз умри давомида оладиган барча информაციанинг 70 феъзини 5 ёшгача бўлган даврида олар экан.

Боланинг онги асосан 5-7 ёшда шаклланишини инобатта олидиган бўлсак, айнан ана шу даврда унинг қалбида оилاداتи муҳит таъсирида маънавиятнинг илк қуштаклари намоён бўла бошлайди. Ҳалқимизнинг «Қуш уясида қушанини қилади», деган доно мақоли, ўйлайманки, мана шу азалий ҳақиқатни яққол акс эттирляди».

## ТАРБИЯ

Ҳали қатта бўлсанг ўзинг қитоблардан ўқиб билиб оласан – олимлар фарзанд тарбиясини уч қисмга бўладилар – жисмоний тарбия, ақлий тарбия ва маънавий тарбия. Улар биргаликда, ушун олиб борилсатина, бола ҳар томонлама етук, жамиятта нафр тегадиган, Ватан тарақиётига хизмат қиладиган шахс бўлиб қамолга етади. Бу тарбиянинг асосий юқи оила зиммасида экан, биз ота-оналар, бу учаласи ичида энг қийини, шубҳасиз, маданият тарбияси эканлигини англаб олишимиз шарт.

Бутун мамлақатимизда фарзандларимизнинг тарбиясига берилётган давлат даражасидаги эътиборни яқин ўтмишдаги қонинг билан умуман тенглаштириб бўлмайди.

Мисол учун, собиқ тузум даврида чақалоқ туғилгандяёқ туғруқхоналарда она қушотидан айриб олинарди. Факат бир қуш ўтмишда эмизилган бериладди, ҳолос. Ўрнини ҳеч бир бошқа оуқа боса олмайдиган она сутти ўрнига болага ҳар хил сунвий оуқулар берилиши рабатлантирилар ва тартиб этиларди. Ҳозир эса, бола туғилганданок она қушотига берилади. Болаларни турли киёвликларга қарши беул эмлаш ҳам давлат назоратида тулик таъминланимоқда. Она ва бола саломатлиги масаласига мамлақатимизда бериладиган эътиборни бутун бутун жаҳон эътироф этмоқда.

Ёшларнинг оила куришга муносабати ҳам ўзгарган. Олдинлари аксарият ёшлар ота-оналарининг хоёши билан мустакил ҳаётга тўлиқ тайёр бўлса бўлмасалар-да, жуда ёш, халқона айтганда, "отасининг пулига" уйланиб олган бўлса, буғуннинг ёшлари орасида бирор касб-хунар ёки олий маълумотли мутахассислик дипломига эришиб, мустакил ҳаётга, рўзгор юритишга ўзини тўлиқ тайёр деб ҳис қилганидан сўнггина уйланиб оила кураётганлар кўпчиликини ташкил қилмоқда.

Илгари оила кураётган ёшларнинг саломатлиги масаласига ҳам панжа остидан қаралган бўлса, бутун ёшларнинг оила куришдан олдин ҳар томонлама тиббий кўриқдан ўтиши онгли равишда амалга оширилмоқда.

Болаларни мактаб таълимига тайёрлаш масалалари ҳам доимий давлат назоратида бўлиб, бу бордаги қабул қилинган дастурлар йилдан-йилга такомиллаштирилиб боришмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг жорий этилиши, узлуқсиз таълим тизимининг йўлга қўйилганлиги, Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг амалга оширилгани фарзандларимизнинг замона илм-фанининг асослари билан тўлиқ танишишларига имкон бермоқда.

Болалар ва ўсмирлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасидаги ишлар ҳам таҳсинга лойиқ. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан амалга оширилаётган ишлар, хотин-қизлар спортини ривожлантиришга қаратилган эътибор бутун ўз мевасини бермоқда. Мана, бутлур ўзинг ҳам мен билан бирга томоша қилдинг – 17 ёшли ўсмирлар терма жамоамиз тенгдошлари ўртасида ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этиб, барчамизни хурсанд қилди. Шу акаларининг кўпчилиги 2009 йили Гулистонда ўтказилган "Умид ниҳоллари" мусобақаларида иштирок этган эди.

Мактабдан ташқари таълимдати ислохотлар, жумладан, «Баркамол авлод» болалар марказларининг ташкил қилиниши ўқувчи-ёшлар қобилиятларини ривожлантириш ва тўғри йўналтиришга қаратилган.

Хуллас, ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган давлат сиёсатида ёшлар масаласи, уларнинг ҳам жисмонан, ҳам ақлан,

кам маънан стук авлод бўлиб тарбияланиши масаласи устувор вазифалар қаторида.

Президентимиз ҳар гап ёшлар тарбияси билан шуғулланаётганларга, ёшларнинг ўзларига мурожаат қилганда барчамизни огоҳликка, бутунга дунёнинг мафкуравий манзарасидан ҳабардор бўлишга, юксак маънавият эгалари бўлишга чақиради. Шундай экан, биз, каттаглар аввало оиламизда бу масалаларга қай қараётган эътибор бераймиз? Тарбиянинг уч бўғини уйғунлигига эриши олашимизми? Жамият оилалардан ташкил топар экан, келажак авлод энг аввало оилада тарбияланар экан, ҳар бир оиллада мамлакат келажатига дахлдорлик ҳиссини шакллантира олашимизми?

## **"БОЛАМ ҲАКИДА ЯХШИ ГАП ЭШИТИШ УЧУН КЕЛДИМ"**

Ўтган ой, эсингда бўлса, устозинг ота-оналар мажлисига чиқарди. Бордим. Оталардан бир ўзим эканман.

Шунда қизик бўлди: устозинг ҳаммага ўз фарзандининг жойини топиб ўтириши кераклигини айтди. Сумкаларинг турган экан. Ҳамма чирқилиб боласининг сумкасини излаб қолди...

Жойингни тез топдим. Қолганлар ҳам тошгуналарча беш-отти даққака ўтиб кетди. Айниқса, икки-уч она роса кийналиш-дида ўзим. "Оналари шу бўлса, оталари келганида нима қилишарди" деб ўйлаб қолдим...

Устозинг сўровнома тарқатди. Биринчи саволи шу: "Бутунга таъбирдан нима кутаясиз?". "Бирон-бир янгилик" деб жавоб бердим. Қолган ҳамма: "Болам ҳақида яхши гап эшитишни" деб жавоб берибди. Эҳ, оналар, оналар. Онажонлар бор бўлсин!

Шундай самимий суҳбатлар оила ва мактаб ҳамкорлигини мустақкамлайди. Аммо, оталар ҳам келишса, янаам яхши бўлар-ди-но!

## «БОЛАНГ ЎЗИНГДАН ЯХШИ БЎЛСИН!»

Президентимизнинг халқимизнинг энг эзгу орзу-умидларини ўзида жамлаган бир гапи бор: “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!”.

Ёши раҳматли бобонг катори бир устозимиз бор – Махмуд Савдий. Фарзандларини, неварагарини жуذا яхши кўради. Шунинг учун халитча унинг теваратидан ёшлар аримайди.

Устоз биз, ёшларга бир гапни кўп таъкидлайди: «Боланг ўзингдан яхши бўлсин!». Ростдан, фарзандинг сендан ҳам жисмонан, ҳам ақлан, айниқса, маънан бир қадам олдинга ўтсагина, жамитимиз ривожланади, мамлакатимизнинг илмий, маданий, маънавий салоҳияти юксалади, кудрати ортиб бораверади. Бу борада бутун мамлакатимизда барча шароитлар яратилган. Гап биз, ота-оналарнинг ўзимизда қолган...

## МУСИҚА, КЎШИҚ ЮРАККА ТУТАШАДИ

Биласанми, бизнинг ёшлитимизда, ўтган аср 80-йилларида юртимизда иккитами учта телеканал, яна шунча радиоканал бор эди. Мобил телефонлару компьютерлар қаёқда дейсан!

Хозир-чи, эх-хе, ахборот олиш имконияти жуذا кенг. Аммо, бир донишманд “кўпни эмас, керагини билган доно” деганидек, бу ахборотларни сарадай билиши керак одам. Бу масалада сиз, ёшларга биз, катталар ёрдам беришимиз керак.

Интернетгаги ўшак(ғийбат)лар, мобил телефонларда тарқаб кетаётган турли беҳаё давхалар, сериаллару мультфильмларда зимдан тарқатиладиган ёт ғойларга қарши иммунитетни, энг аввало, оилада шакллантиришимиз зарур.

Биласанми, халқимизда «этини ўлдирди» деганга ўхшаши ибора бор. «Кулоғи ўранди» ҳам дейишади. Бу дегани, масалан, кўлингни ёки оёгингни қайноқ сувга бирданга солсанг, куйиб қолади, тўтрими? Секин-секин этингни ўргатиб борсанг, қипшда ҳам чўмилса бўлади.

Хар кунни шовкин-сурондангинга иборат мусиқа, бетаини, маъносиз «кўшиқ»ларни эшитган бола туғул катта ёшли одамнинг ҳам дили ўтмаслашиб бораверади. Дидсиз кимсаннинг

юзи нймони ҳам, эътиқоди ҳам, маънавияти ҳам ҳаминкадар бўлади.

Миллий мусикамиз дурдоналари – “Тановор”, “Андижон полкиси” ёки Фаробий Оврупо классик мусикасининг Бетховен, Моцарт, Шопен, Бах, Паганиниларнинг асарлари инсонга катта руҳий қувват, ижодкорлик, яратувчанлик бахш этади. Миллий муқот кўшиқларимиз, Муножот йўлчиёвнинг ижросидаги номолари жуذا катта маънавий озука бериб келмоқда.

Эсингдами, бир кунни опанг иккалантга манави воқеани айниб бевуядим: голландиялик олимлар шундай тажриба ўқатинибди: махсус тажриба майдонига уч хил ўсимлик экиб, уларга мусиқа эшиттиришди. Биринчи тур ўсимликларга классик мусикаларни, иккинчи турга фольклор мусикасини, учинчи тур ўсимликларга эса рок мусикасини эшиттириб беришди. Марҳум вақт ўтгач, биринчи тур ўсимликлар гурқираб ўсди, иккинчи тур ўсимликлар ривожланиши ҳам нормал кечган. Учинчи тур ўсимликлар эса, куриб қолган...

Мусиканинг болалар тарбиясидаги роли алоҳида мавзу. Иккинчи келиб хали бу ҳақида ҳам турунглашамиз. Энг муҳими, иккитдан тўтри фойдаланиш, уни маъносиз, маърифатсиз кўшиқларни эшитиш, мафкуравий ёт мультфильмлару бадий фильмларни томоша қилишга сарфламаслиқлар.

## ХАР БИР КУННИНГ МАЗМУНЛИ ЎТСИН!

Ўнбегтан ҳаётингни хар бир кунни, они сермазмун ўтиши унингга боғлиқ. Ёки, мана, яқинда сен, опанг ва мен учаламиз оиламизда бир ананани йўлга кўйдик. Хар яқшанба кунни маълумлашиб, келатган ҳафта кунларини бирон-бир ном билан атайдиган бўлдик. Масалан, кейинги ҳафта кунларига шундай ном бердик:

**Душанба** – **шахмат кунн**. (Шу кунни опанг икковинг шахмат тўғрисида борасизлар. Устозинг уйга вазифа қилиб берган масалаларни ечиб, ўзаро дона сураасизлар. Олтиш тўрт катта уари “жанг”ларга мен ҳам кўшиламан. Укаларингга ҳам шахмат доналарини тахтага теришни, юришларни ўргатамиз. Шахмат ҳақидаги китобларда берилган энг яхши партияларни кўриб чикамиз).

**Сешанба – мутолаа кунн.** (Ойинг ҳам, сизлар ҳам китоб ўқийсизлар, албатта, дарсларингнн килиб бўлгандан сўнг, Укаларингга эртақ, ҳикоялар ўқиб берасизлар. Янги китоблар олиб келиш эса менинг зиммада).

**Чоршанба – тил ўрганиш кунн.** (Опанг икковинг инглиз тилидан сабоқ олиш учун репетиторга борасизлар).

**Пайшанба – эркин ижодий кун.** (Опанг расм чизади. Ҳикоячалар ёзиб, укаларингга ўқиб беради. Сен ўроқларинг билан варрак учиршни мўлжаллаясан).

**Жума – миллий қадриятлар кунн.** (Шу кунни ҳаммамиз бир-биримизга сизлаб мурожаат қиламиз. Макоп айтишув, тарихдан ҳикоялар айтиш, буюк алломаларимиз ҳаёти ва ижоди ҳақида суҳбатлашиб, китоблардан улар тўғрисидаги маълумотларни топамиз. Миллий анъаналаримизни қанчалик билишимизни оилавий кичик танловларда синовдан ўтказамиз. Совға – мендан!).

**Шанба – санъат кунн.** (Имкон туғилса, театр ёки кинога, ё бўлмасам музейларга ёхуд концертларга борамиз. Уйда, мана, диск кўйиб концерт дастурларини ёки янги кинофильмларни томоша қилишимиз ҳам мумкин).

**Якшанба – спорт кунн.** (Иккаламиз “Сирғали” болалар спорт мажмуасига чиқиб тўп тепамиз. Ёки шахмат ўйнаймиз. Кеча ҳисоб неччи бўлди? Ҳа, айтгинг келмаётганими? Майли, тез кунларда фақат ютадиган даражага чиқиб оласан. Машғулотни тўхтатма).

Кейинги ҳафтада яна янгиликлар киритиб, баъзиларини ўзгартиришимиз ҳам мумкин. Энг муҳими, вақтни беқор ўтказмасдан, фойдали машғулот билан банд бўлишдир. Бундай кўникмаларни ҳозирдан ўлаштириб борсанг, келажақда, албатта, катта-катта муваффақиятларга эришасан. Мен бунга ишонаман!

## МУНДАРИЖА

|                                                         |    |
|---------------------------------------------------------|----|
| Ишона, отам, мен ва сен .....                           | 3  |
| Корке ёшнн абсуртист .....                              | 4  |
| Ишона .....                                             | 6  |
| Отам .....                                              | 7  |
| Мен .....                                               | 8  |
| Экзотик .....                                           | 8  |
| Шунақан ҳам бўлган .....                                | 10 |
| «Мени Муштакиллик майдонига олиб боринглар» .....       | 11 |
| Ишона учун яшайлик! .....                               | 12 |
| Муштакил юрт байрамлари .....                           | 14 |
| Энг улуғ, энг анз байрам .....                          | 14 |
| Жаҳонда ягона байрам .....                              | 15 |
| Кувуларимиз пойдевори .....                             | 16 |
| Ишонадан янги йил .....                                 | 16 |
| Нарвамоқ аилода тарбиячилари байрами .....              | 17 |
| Кувуларинг аввали .....                                 | 18 |
| Котларинг тисланнши .....                               | 18 |
| Калит – байрам дегани .....                             | 19 |
| С. Ҳасановнинг ва маънавиятимиз ҳимоячилари .....       | 20 |
| Муҳаммидовлар .....                                     | 20 |
| Муштакиллик анъаналари .....                            | 21 |
| Менин майданин мерос байрамлари .....                   | 22 |
| Менин дастур нихоллари .....                            | 25 |
| Катта бўлсанг ким бўлмокчсан? .....                     | 25 |
| Мен «Механизаторман» .....                              | 26 |
| «Муҳаммидовлар мени, қанинди» .....                     | 27 |
| 40 йиллик режисси .....                                 | 28 |
| Масъуларин аниқ болалар .....                           | 28 |
| С. Ҳасанов – соғлиқ тарови .....                        | 30 |
| С. Ҳасановга ҳаёсим келди! .....                        | 31 |
| Аамр, булуи Нарвуз, дўстнам .....                       | 32 |
| «Ушанга нега ёзда пиширилмайдн?» .....                  | 32 |
| Нарвуз – спорт байрами эмас .....                       | 33 |
| Нарвуз – спорт байрами ҳамдир .....                     | 33 |
| Нарвамоқнинг маънавиятининг, ўзгараётган пойтахти ..... | 35 |
| Калит сибора, тарбия мактаби .....                      | 36 |
| Нарвуз шеъри .....                                      | 37 |
| Ишона – маънавият кўрсони .....                         | 38 |
| Экзотик .....                                           | 38 |
| Камолот онда учун .....                                 | 39 |
| Калит кувури бўлган .....                               | 40 |
| Тарбия .....                                            | 41 |
| «Ишона қандай яхши гап эшитиш учун келдим» .....        | 43 |
| «Ишона ўзингдан яхши бўлсан!» .....                     | 44 |
| Мушона, кўнннн коракка туташади .....                   | 44 |
| Кер бир кунинг маъмули ўтсин! .....                     | 45 |

МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАФКУРА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

Хусан ҚАРВОНЛИ

## ЎЎЛИМГА МАҚТУБЛАР

«Сано-стандарт» – Тошкент, 2013

Нашир учун масъул: И.ЗОҲИДОВА

Мухаррир: А.ТИЛАВОВ

Техник муҳаррир: Л.ЗОҲИДОВ

Бадий муҳаррир: Л.КОСИМОВА

Наширлик. № А1 177, 03.01.2011.

Тарихи 20.11.2012 йили берилди. Босишга 19.03.2013 йили рухсат этилди.

Бичими: 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Оффсет босма. Таймс гарнитураси. Шартли 6.т. 2,79.

Нашир 6.т. 2,20. Адади 10000 нусха. Буюртма №376.

Бахоси шартнома асосида

«Сано-стандарт» наشريети, 100190, Тошкент шаҳри,  
Юнусовол-9, 13-54. Е-mail: [sano-standart@mail.ru](mailto:sano-standart@mail.ru)

«Сано-стандарт» МЧЖ босмахонасида босилди.  
Тошкент шаҳри, Широқ кўчаси, 100-уй.  
Телефон: (371) 228-07-94, факс: (371) 228-07-95